Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 26 апрель, чоршанба • № 33 (10.709) • Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТИМИЗ ҲАЁТИ: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПИЛЛАКОРЛАР ҚУРТ БОҚИШГА КИРИШДИ

Пилла боқиш қишлоқ хўжалиги ходимлари учун йилнинг биринчи синови. Шунинг учун ҳам пиллакорлар ҳар йили бу мавсумга қизғин ҳозирлик кўрадилар. Бу йил ҳам шундай бўлди, пилла қурти заводлари, наслчилик станциялари, туманлардаги пиллачилик ширкатлари — умуман барча пиллакорлар янги қурт боқиш мавсумига катта тайёргарлик кўрган ҳолда келдилар. Қуртхоналар таъмирланиб, қайта жиҳозланди, тутзорлар парваришига алоҳида эътибор берилди.

Ўтган мавсумда вилоят пиллакорлари 1285 тонна пилла етиштирган эдилар. Бу йил ҳам «кумуш тола» миришкорлари янада баракали ҳосилни кўзламоқдалар. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 60 килограммдан пилла олиш мўлжалланмоқда.

Маълумки, пилладан мўл ҳосил етиштириш, энг аввало, тут баргининг сероб бўлишига боғлиқдир. Бу йил мавжуд 3496 гектар тутзордан сифатли барг ҳосили олиш кўзда тутилган. Мавсумда 32,450 қутидан кўпроқ қурт уруғини боқилади.

Вилоятимизда бу йил 20,500 дан кўпроқ киши қурт боқади. Уларга энг қулай шароитларни яратиб бериш биринчи галдаги долзарб вазифадир. Пиллакорлар ҳақида кўрсатиладиган ғамхўрлик, рағбат юксак пилла хирмони уйишнинг ишончли кафолатидир. Бу йилги мавсумда пиллакорларга топширган ҳар бир килограмм ҳосили учун 40 сўмдан ҳақ тўлашга қарор қилинганлиги муҳим аҳамиятга моликдир.

Бекобод, Чиноз, Бўка ва Пискент туманларининг пиллакорлари вилоятимизда биринчилардан бўлиб пилла қурти боқишга киришдилар.

ФАРАНГЛАР ЧИНОЗДА МАККАЖЎХОРИ ЭКАДИ

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигидаги 7 гектар ғалла майдони такрорий экин сифатида маккажўхори дони етиштириш учун Франциянинг «Делепланк» фирмасига ажратиб берилди.

Маълумки, республикамизда кейинги йилларда ғалла майдонлари кўпайди. Бу эса бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини такрорий экиш ҳисобига етиштиришни тақозо этмоқда. Жорий йилда 850 минг гектар суғориладиган майдон бошоқли дон экинларидан бўшайди. Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бу майдонларда такрорий экинлардан мўл ҳосил олиш учун илғор технологияга катта эътибор бермоқда. «Делепланк» фирмаси билан бундан уч йил илгари қанд лавлаги етиштириш ва уни қайта ишлаш юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Эндиликда фирма ҳосилдан бўшаган ғалла майдонларида тезпишар маккажўхори дони етиштириш юзасидан ҳам таклиф билан чиқди.

Фаранг ишбилармонларига республикамиздаги яна бешта вилоятда тажриба тариқасида шундай кичик ғалла майдонлари ажратилди. Бу майдонлардаги ҳосил йиғиштириб олингач, келгуси йил учун ғалла экилади.

(ЎзА).

МАРҲАМАТ, БЕШ МИНУТ БЕПУЛ СЎЗЛАШАСИЗ

ҒАЛАБАНИНГ 50 йиллиги байрами арафасида республика Алоқа вазирлиги концерни уруш қатнашчиларининг барчасига эсда қоларли имтиёз яратди. Улар мустақил ҳамдўстлик республикаларининг истаган шаҳри ё тумани, қўрғони ёки қишлоғи билан 1 майдан - 31 майгача бир марта беш минут давомида телефон орқали бепул алоқа қилиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бундай қулайликдан вилоятимизда 12 мингдан кўпроқ киши фойдаланади, — деди биз билан мулоқотда Тошкент вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бош мухандиси Асрор Эшонхўжаев, — имтиёзли сўзлашув талонлари шаҳар ва туман электр алоқа тармоқлари орқали ҳар бир уруш қатнашчисининг уйига етказиб берилади.

Бундай хайрли иш фашизмга қарши фидокорона жанг қилиб омон қайтганларнинг қуролдошлари, қариндошлари ёки танишбилишлари билан дилдан суҳбатлашиб олишлари учун яратилган ўзига хос яна бир ғамхўрликдир.

МАЪРИФАТ ДАРСЛАРИ

Вилоят ички ишилар бошқармасида мунтазам тарзда ўтказилаётган «Маърифат дарслари»нинг аҳамияти катта бўляпти. Машғулотларда мамлакатимиз тарихи, бугуни ва келажаги, қурилаётган янги фуқаролик жамияти, миллий камолот йўли, бозор иқтисодиёти, унинг мазмун ва моҳияти, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, қонунчилик фаолиятида бош йўналиш бўлиб қолган адолат ва ҳақиқат ғояси, давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, жиноятчиликка қарши кураш, ички ишлар ходимлари олдида турган вазифалар сингари мавзулар кенг қамраб олинмоқда.

«Маърифат дарслари»ни олиб боришга таниқли олимлар ва мутахассислар жалб этилмоқда. Шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, санъат арболари ҳам иштирок этиб, қизиқарли суҳбатлар уюштирмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган машғулотда Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида мамлакат Президенти И. Каримовнинг қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар мухокама этилди.

«Маърифат дарслари» мазмунини янада чуқурлаштириш мақсадида Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент давлат олийгоҳи, Шарқшунослик илмий текшириш олийгоҳи, Тошкент Давлат дорилфунуни билан ҳам ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

М. МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

ОҲАНГАРОНДА ТРАКТОР ҚИСМИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Оҳангарон шаҳрини бинокорлик материаллари саноати маркази, деб бежиз айтишмайди. Лекин, бу ерда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ва талабни ўрганиб ишлаб чиқариш учун анча «ёт» ҳисобланган маҳсулот тайёрлаш ҳам ўзлаштириляпти.

Бу соҳада «Сантехқуйма» заводи жамоаси дастлабки қадамни қўйди. Корхонада тракторларнинг орқа кўприги пировард ҳаракатга келтиргични ишлаб, чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун Юқоричирчиқ тумани тажриба-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда махсус кичик корхона ташкил этилди. Тракторнинг шу камёб қисми «Сантехқуйма» заводида қуйилиб, бирлашмада токарлик дастгоҳида ишлов бериляпти. Завод жамоаси трактор учун зарур бўлган бу эҳтиёт қисмни тайёрлаш билан бирлашма таъмирловчиларининг мушкули осон бўлишига ҳисса қўшмоқда.

«УЧҚУН»: 120 ИШЧИ ЎРНИ

Юқоричирчиқ туманида янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган тадбирлар тобора кенг кўламда амалга оширилмоқда. Яқинда бу соҳада яна бир хайрли иш ниҳоясига етди. Трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Учқун» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Сингапурлик тадбиркорлар билан бирга барпо этилган бу корхона бўлимларида бир пайтнинг ўзида 120 нафар ишчи ишлаши мумкин. Корхонанинг асосий цехи туман марказида жойлашган бўлиб, унда қирқта дастгоҳ ишлаб турипти. «Гулистон» жамоа хўжалигида, «Соҳибкор» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида, Жумабозор каноп заводида унинг бўлимлари ташкил этилди. Уларнинг ҳар бирида йигирматадан ишчи ўрни бор. Шунча кишини иш билан таъминлашга мўлжалланган яна бир бўлимни «Политотдел» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Султон Ровот даҳасида очиш учун тайёргарлик кўриляпти.

Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНГАЧ...

Бундан бир йилча муқаддам Янгийўл шаҳридаги ёғмой комбинати очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, ҳар бирининг қиймати 100 сўм бўлган бир неча минг дона акция сотувга чиқарилган эди. Бу акцияларнинг 51 фоизи давлат, 46 фоизи корхонанинг меҳнат жамоаси, 3 фоизи Янгийўл пахта заводи томонидан харид қилиб олинди.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида бу ерда бир қанча ўзгаришлар содир бўлди. Аввало маҳсулот турлари ва уларни ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада кўпайиши туфайли ишчилар манфаатдорлиги бирмунча ошди. Бу эса меҳнатга бўлган муносабатнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Комбинатнинг бир неча цехларида катта таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши натижасида эса совун тайёрлашни ойига 1200 тонна ўрнига 1300 тоннагача, ёғ ишлаб чиқаришни эса 1835 тонна ўрнига 2506 тоннагача ўстиришга эришилди. Ҳозирда корхонанинг умумий товар ишлаб чиқариш ҳажми бир кварталда 55 миллион сўмдан ортиқни ташкил этмоқда.

Бир неча ой муқаддам корхонада полиэтилен идишлар ва қопқоқлар тайёрловчи цех ва суюқ совунни целлофан пакетларга жойловчи автомат линия фойдаланишга топширилган эди. Бу эса маҳсулот тайёрлашнинг янада кенгайишига олиб келмоқда. Келажакда тозаланган ёғни идишларга қуядиган автоматни, полиэтилен пленка тайёрлайдиган ва ишлатишга яроқсиз полиэтилен идишлар ҳамда целофан пакетларни қайта ишловчи линияларни ишга туширишни кўзда тутилмоқда.

Корхонада ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Бу ерда боқилаётган 120 бош қорамол ҳисобига ишчиларни бозордагидан бир неча баробар арзон нархда гўшт билан таъминлашга эришилмоқда. Комбинат аҳолига йил бўйи сабзавот ва кўкатлар етказиб берадиган иссиқхона қурилишини ҳам ниҳоясига етказиш арафасида турибди.

Комбинатда ишчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Корхонанинг ўз дам олиш маскани мавжуд бўлиб бу ерда ишчи-хизматчилар йилнинг хоҳлаган ойида хордиқ чиқаришлари мумкин. Уларнинг фарзандлари учун 200 ўринли иккита болалар боғчаси, ёзги дам олиш оромгоҳи хизмат кўрсатяпти. Стационар типдаги 50 ўринли болалар поликлиникаси қурилишида ҳам энг сўнгги таъмирлаш ишлари тугалланай, деб қолди. Корхона аҳли кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар учун янада унум билан меҳнат қилишга интилмоқда.

Суратларда: суюқ совунни қадоқлаш оператори Умида Ғозиева; техник лаборантлар Гулзира Фаритова ва Наталья Манжесовалар иш устида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон — Америка: ҳамкорлик ришталари

«ФЕРМЕР — ФЕРМЕРГА» МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

АМЕРИКАЛИК фермерларнинг довруғи, юксак салоҳияти ҳеч кимга сир эмас. Замонавий технологияга асосланган бу мамлакатнинг тажрибаси биз учун катта мактабдир. Куни кеча ўзбек ишбилармонлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш ва ўзаро ёрдам кўрсатишга аҳд қилган АҚШнинг машҳур Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро Винрок институти вилоятимизда биринчи бўлиб Бўстонлиқ туманида ўз тажриба мактабини очди.

Унга институтнинг Колорадо штатидаги корпорацияси президенти Валтер Кук ва унинг ёрдамчиси Роджер Тейлор раҳбарлик қиладилар ва «Фермер — фермерга» дастури асосида иш олиб борадилар. Мазкур дастур фермер хўжаликларини қандай ташкил этиш, уни юритиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уни йиғиб олиш, сотиш, сармоя тўплаш, қарзлардан самарали фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва молия-ҳуқуқ муносабатларини тўғри йўлга қўйиш масалаларида фермерлик ва агробизнес билан шуғулланувчи кишиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилди.

«Фермер — фермерга» дастурида, чунончи, бой тажрибага эга бўлган америкалик техник мутахассислар, фермерлар, ўқитувчилар ва агробизнесменларнинг маҳсулотларни қайта ишлаш, тақсимлаш, сотишда бевосита ёрдам кўрсатиши ҳамда ишбилармонликка, бошқаришга, халқаро савдосотиқ, кредит ва молия таъминотига кўмаклашишлари ҳам кўзда тутилган.

Унинг яна бир афзал томони шундаки, вилоятимизда иш олиб борадиган мутахассисларнинг барча сарф-ҳаражатлари текин, у «Фермер — фермерга» дастури ҳисобидан қопланади.

Америкадан келган мутахассисларни Бўстонлиқ туманини ҳокими А. Абдувосиқов қабул қилди. Сўнг тумандаги барча хўжаликларнинг раҳбарлари, туман қишлоқ хўжалиги идораларининг мутасаддилари, мутахассислар, қишлоқ ва қўрғон фуқаролар йиғинларининг раислари, тадбиркорлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ҳокими йиғилганларга америкалик меҳмонларни таништириб, «Фермер — фермерга» дастурининг Ўзбекистондаги ҳудудий директори Майкл Эвниннинг ўзбек фермерларига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги яхши ният билан ёзилган мактубини ўқиб эшиттирди. Валтер Кук ва Роджер Тейлор ўз сафарларидан кўзда тутилган мақсад ва режалар хусусида сўзлаб беришди.

Шу тариқа Америкалик мутахассисларнинг 20 апрелдан 4 майгача мўлжалланган семинар машғулотлари бошланди. Биринчи машғулот «Энбек» жамоа хўжалигининг «Сарсен» фермер хўжалиги билан танишишдан бошланди. Фермер С. Аристановнинг ҳозир боқувда 830 бош чорваси, шу жумладан 300 бош қорамоли, 200 бош оти бор. Амалий машғулотлар вақтидаги савол-жавоблар, қизғин мунозаралар ғоят қизиқарли бўлди.

— Биз сизларнинг америкалик фермерлар билан яқин мулоқотда бўлишларингизни истаймиз, — деди Валтер Кук «Ғазалкент» агрофирмасининг фермер хўжаликлари бўйича бош мутахассиси Қутумбек Тўлагановга мурожаат қилиб. — Улар ўз тажрибаларини сизлар билан бажонидил баҳам кўришга, зарур ҳамма ёрдамни кўрсатишга тайёрлар.

Хорижлик тажрибакорлар навбатдаги семинар машғулотларини «Чорвоқ» жамоа хўжалигининг «Ўринбой», «Эркин» ва «Тиллахўжа» фермер хўжаликларида ўтказишди. Кейинги машғулотларни «Чорвоқ», «Енбек» ва «Абай» номли жамоа хўжаликларида ўтказиш режалаштирилди.

Бугунги кунда туманда жами 101 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 58 таси чорвачиликка, 27 таси сабзавотчиликка, 9 таси боғдорчиликка, 5 таси асаларичиликка ва 2 таси балиқчиликка ихтисослашган. Улар энди оёққа туриб келаётган шахсий хўжаликлардир. Даромад ҳам, буромад ҳам шунга яраша. Ҳар бир фермернинг катта ривожланиш йўлига чиқиб олиши учун эса аниқ мўлжал, андоза зарур. Бу андоза — илғор хориж тажрибасидир. Америкаликлар тажрибаси бу борада катта наф келтирса, ажабмас.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЙЎЛ ҚУРИБ, БОҒ ЯРАТИБ...

ЙЎЛИНГ равон бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейди доно халқимиз. Оҳангарон тумани йўлларида юрганимда бу пурҳикмат мақол доим эсимга тушади.

Сўнгги йилларда катта ва кичик йўлларни тартибга келтириш, кенгайтириш ва уларга асфальт ётқизиш, қисқаси қон томирлари сингари таралиб кетган бу йўлларни равон қилишга эътибор кучаяётганлигини ҳис қилиб турибмиз. Лекин, бу билан ҳамма йўллар сип-силлиқ демоқчи эмасмиз. Ҳали йўловчи ва транспорт воситаларининг қатнашини қийинлаштираётганлари ҳам кўп. Бироқ, улар тобора камайиб бормоқда.

Бундай фахрли ва айни вақтда масъулиятли вазифа зиммасига юклатилган Оҳангарон йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш бошқармаси жамоаси тилга олса арзигулик ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, бошқарманинг Карим Эгамов бошчилик қилаётган участкаси йўлсозларининг меҳнати натижаси анча салмоқли бўлаяпти. Улар ўз маҳоратларини тинмай ошириш, ихтиёрларига бериб қўйилган замонавий йўл қурилиши техникасидан самарали фойдаланиш, ўз касбларининг моҳиятини чуқур тушуниб ишлашлари туфайли ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар.

Кейинги ойларда Оҳангарон шоҳкўчасининг эллик саккизинчи ва саксон бешинчи километрлари орасидаги қисмини кенгайтириш билан туну кун банд бўлдилар. Натижада бўлимда транспорт қатнайдиган йўл 21-22 марттача кенгайтирилди. Шу йўлнинг яна бир ўн беш километрлик участкасига асфальт ётқизилди. Тут қишлоғидаги олти километр узунликдаги йўлларнинг ўнқир-чўнқирлари бартараф этилиб текисланди. Бу ерда автобус қатнови ҳам йўлга қўйилди. Ёнариқ — Телов қишлоқларини бир-бирига бирлаштирувчи беш километр узунликдаги янги йўлни ҳам шу участка жамоаси барпо этди. Йўлсозлар икки қишлоқ ўртасидан оқиб ўтадиган дарё устига янги кўприк қуриб, фойдаланишга топширишди.

Участка жамоасининг яна бир хайрли ишини тилга олишни лозим деб ҳисоблаймиз. Йўлсозлар Қўйтош деб аталувчи худудда бир гектар ерни ўзлаштирдилар. Илгари бу жойлар ташландиқ ҳолда ётарди. Бу ерда механизмлар сақланадиган бинолар қуришди. Унинг атрофини боғга айлантирдилар Ҳозир арча, олма, олча ва шу каби дарахтлар ниҳолларя барқ уриб кўкариб, гуллаб ётипти. Меваларнинг дастлабки ҳосилларидан ўтган йилиёқ баҳраманд бўлишган эди.

Йўлларни равон қилиб эл олқишига сазовор бўлаётган, ташландиқ ерни боғу — бўстонга айлантирган участка йўлсозларига бундай эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Т. ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Фахрийларимизнинг қалб сўзлари

ЧИН ДИЛДАН РАҲМАТ!

ИНСОН кўнгли ҳамиша ўзига бўлган эътибор ва ҳурматдан яйрайди, ором топади. Президентимиз Ислом Каримовнинг «1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллик байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини газетадан ўқиб, кўзимга севинч ёшлари келди. Бу бежиз эмас.

Республикамиз мустақил бўлибдики, биз кексалар меҳнат ва уруш фахрийлари мунтазам равишда юртбошимизнинг ғамхўрлигини тўла ҳис этиб келяпмиз. Ўтган йиллар ичида нафақа пулимизнинг саккиз баробар ошганлиги, транспорт, коммунал хизматлар борасидаги имтиёзлар бунинг яққол далилидир. Байрам арафасида яна бир меҳрибончиликнинг гувоҳи бўлдик. Бунинг учун Президентимизга чин дилдан раҳмат.

Мен уруш ногиронимиз. Республикамиз мустақил бўлгач, ўз армиямизни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларни телевизор орқали кўраман. Радиодан тинглайман. Мудофаа қудратимизни мустаҳкамлаш йўлида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Ана шу жараёнда республикамизда биз фахрийларни эъзозлаб, Ўзбекистоннинг «Жасорат» ва фронт ортида меҳнат қилганлар учун «Шуҳрат» медалларининг таъсис этилганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Бизга туман ҳокимлиги бу мукофотларни тантанали равишда, иззат-икром билан бир пиёла чой устида топширди.

Ана шулар ҳақида сўзлар эканман, яна бир бор фахрийларга кўрсатилган ғамхўрлик учун юртбошимизга миннатдорчилик изҳор этаман. У киши олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли барқарор топган тинчлик, хотиржамлик, осойишталик бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверсин. Ҳар бир хонадондан файз-барака аримасин. Истиқлолга юз тутган мамлакатимизнинг равнақи йўлида белгилаб олинган режалар рўёбга чиқаверсин!..

Қучқорхўжа ҲАСАНОВ,
уруш ногирони.

ШУКРОНАЛАР АЙТАМИЗ

Ғалаба байрами яқинлашгани сари биз уруш қатнашчилари қалбини ҳаяжон яна ҳам кўпроқ чулғамоқда. Ўша суронли йилларни эслашнинг ўзи оғир, аммо унутиб ҳам бўлмайди. Шундай ҳаёт-мамот жангларидан, азобу-уқубатлардан омон қолиб, бугунги кунларга етиб келганлигимиз, айниқса, юртимиз истиқлолини кўриш бизга насиб этганлиги учун Оллоҳга шукроналар айтамиз.

Давлатимиз раҳбарларининг уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган доимий ғамхўрликлари, иззат-икроми ҳам бизни жуда хурсанд этмоқда. Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ана шундай эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси, деб биламиз. Фармонда уруш қатнашчилари ва ногиронлари билан бир қаторда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳақида ҳам сўз юритилади. Бу эса ўз ўрнида уруш қурбонларининг руҳини шод этиши шубҳасиздир.

Ана шундай тўғри йўл тутаётган, кексаларини қадрлаётган давлатнинг келажаги порлоқ бўлади. Биз эса кечаю кундуз Оллоҳдан юртбошимизнинг бундай хайрли ишларига ривож, тан-сиҳатлик, Ўзбекистонимизга эса равнақ тилаб, дуо қиламиз.

Расулмат НУРУЛЛАЕВ,
1-гуруҳ уруш ногирони.

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

(Академик Комилжон Зуфаровнинг ҳаёти ва ижодига чизгилар)

БИЗ ўзбек халқининг фидойи фарзанди, катта олим Комилжон Зуфаров билан учрашиш мақсадида, унинг Тошкент тиббиёт олийгоҳидаги кафедрасига йўл олдик. Эшикдан кириб боришимиз биланоқ бу олий даргоҳдаги ибратли тартиб-қоида, озодагарчилик эътиборимизни тортди.

Биз келишилган вақтда олимнинг шинам ижодхонасига кириб бордик. Суҳбатимиз тезда қовушиб, қизиб кетди. Комилжон ака бизларга кўпроқ ўз болалиги, ўсмирлиги ва урушда қатнашган йиллари ҳақида мароқ билан сўзлаб бердилар.

...Комилжон 1925 йил май ойида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг болалик йиллари ўзи туғилган, вояга етган Лабзак даҳасида ўтди. Ҳамма болалар каби у ҳам шўх ва қувноқ эди. Аммо ўйчанлиги, мулоҳаза билан иш тутиши билан бошқа дўстларидан фарқ қилиб турарди.

— Болалагимда, — дейди Комил ака, — мен паровоз ҳайдовчиси бўлишни орзу қилардим. Чунки, мен дунёнинг ҳамма ерларига боргим келар, агар мен паровоз ҳайдовчиси бўлсам, менинг орзуларим амалга ошадигандай бўлиб туюларди. Бу орзу мени мактабни муваффақиятли тугатгач, Тошкент темир йўллар олийгоҳига етаклаб келди. Аммо менинг бу болалик орзуим амалга ошмай қолди. Чунки... Мени бу олийгоҳга кирганимдан ота-онам, қариндош-уруғларим бехабар эдилар. Олийгоҳда ўқиш эндигина бошланганда уйимизга ўша йиллари мактаб директори бўлиб ишлаган тоғам кириб келдилар-да, мени қўлимдан етаклаб Тошкент тиббиёт олийгоҳига олиб бордилар.

— Сен паровоз ҳайдовчиси эмас, доктор-шифокор бўлишинг керак! — дедилар қатъий.

...Бу воқеа 1942 йили бўлиб ўтган эди. Шу йили Комил тиббиёт олийгоҳи биринчи босқичи талабаси бўлганди. Аммо 17 ёшли ўспирин ҳаётимизга раҳна солиб турган даҳшатли урушга бефарқ қараб тура олмади. Акалари, оталари қатори жангга отланди. Ўз ихтиёри билан қўлига қурол олиб урушга шайланди. У II Украина фронти қисмларида хизмат қилиб, Кавказ, Сталинград, Украина, Молдавия, Руминия ерларини фашистлар Германияси исканжасидан озод қилишда қатнашди.

Комилжон Зуфаров кўксини қатор жанговар орден ва медаллар безаб турганини бир бор айтиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз.

1945 йилда урушидан яраланиб қайтган Комилжон Тошкент тиббиёт олийгоҳи шифокорлик қуллиётида чала қолган ўқишини давом эттирди. Шу йиллардан унинг илмий фаолияти бошланди. Олийгоҳни муваффақиятли тугатган Комилжон илм олишдан асло чарчамас эди. К. Зуфаров Москвада профессор В. К. Белецкий раҳбарлигида 1954 йили кандидатлик диссертациясини ёқлади. Биринчи довондан муваффақиятли ўтгач, яна изланиш, ўрганиш, оқшомни тонгга улаш одатий тартибга айланди. Нимадир яратиш, нималарнидир қилиш интилувчан Комилжонга асло тинчлик бермасди.

Дунё илм-фанига ўз ҳиссасини қўшиш деган гап — оддий гап эмас. Бу деган сўз — ўз фани бўйича ҳали дунёга маълум бўлмаган янгилик, кашфиёт яратиш демакдир. Олимлар кўп, аммо, янги бир кашфиёт қилган, бирор муҳим янгилик яратган олимлар саноқлидир. Бугун биз катта эҳтиром билан сўз юритаётган олим, тиббиёт фанида янги бир кашфиёт яратган инсон Комилжон Зуфаров ана шулар сирасига киради.

У докторлик диссертациясини 1962 йилда машҳур гистолог олимлар — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Г. К. Хрушчёв ва Т. А. Григорьева раҳбарлигида ёқлади.

Ўзбекистонда биринчи ядро реактори ўрнатилгач, радиобиологик усулда нур билан даволаш ишлари чуқур ўрганила бошланди. Тажриба ишлари Россиянинг етакчи радиобиолог олимлари билан ҳамкорликда олиб борилди.

Комилжон Зуфаров 1962 йилдан то шу кунгача Тошкент тиббиёт олийгоҳидаги гистология кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда. У ўз иш ва илмий фаолиятида клиник, морфологик, биохимик, физиологик, биофизик ўрганиш усулларини бир-бирига қўшиб олиб борди. Бунинг натижасида овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари чуқур ўрганилди, бу соҳада асосли илмий хулосалар чиқарилди. Натижада К. Зуфаровнинг иккита монографияси юзага келди.

Комилжон Зуфаров 1965-1971 йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт олийгоҳида ректорлик қилган йилларида ҳам илмий ишларини асло унутгани йўқ. Тиббиёт илмидаги ички тўқима ва сўрувчи аъзоларнинг ҳар хил турлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти К. Зуфаровга тегишлидир. Шунингдек у республикамизда қўлланила бошланган электрон микроскопик ривож бўйича асосчилардан бири ҳисобланади.

Венгрия Фанлар академияси академик Я. Сентготай олимнинг бу соҳадаги тадқиқотларига юксак баҳо берди. У шундай деб ёзади: «Электрон микроскопик лабораторияларининг комплекс усулда қўлланиш даражаси менда катта таассурот қолдирди. Бу усул долзарб муаммоларни ҳал қилиб беради...»

К. Зуфаров лаборатория ходимлари билан ҳамкорликда электрон микроскопик тана ва тўқималарнинг биринчи Атласини яратиб, тиббиёт фанига катта ҳисса қўшди. Бу атлас барча морфолог олимларнинг ишончли ва кундалик дастури бўлиб қолди. Бу илмий тадқиқотга чет эл морфолог олимлари ҳам катта қизиқиш билан қарадилар ва бу ишга юксак баҳо бердилар. Машҳур француз морфолог олими В. Бернард Комил акага йўллаган мактубида шундай деб ёзди: «Мен Сизнинг бу тадқиқотингизни юксак қадрлайман. Бу Атлас беҳад қадрли ва фойдали, айниқса, талабаларни ўқитиш учун. Сиз бундай керакли ишни Москвадан анча йироқда жойлашган Тошкент шаҳрида бажарганингиз ҳам улкан аҳамият касб этади».

Комилжон аканинг тиббиёт фанига қўшган улкан илмий ҳиссаларини ҳисобга олиб, республика илмий жамоаси уни 1968 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий академиги этиб сайлади. Шу йили Комилжон Зуфаровга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони ҳам берилди.

Комилжон Зуфаров раҳбарлигида чоп этилган 14 жилдлик ноёб энциклопедияни халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Ҳукуматимиз бу эзгу иш учун олимни Беруний номидаги республика мукофоти билан тақдирлади. Бундай юксак унвон ва халқ эътибори олимни янада руҳлантириб юборди. У энциклопедик билимга эга эканлигини 1982-1992 йилларда республикада машҳур «Фан ва турмуш» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаганида ҳам яна бир бор исботлади.

Комилжон ака фақат Ўзбекистондагина эмас, дунёнинг бошқа кўпгина мамлакатларида ўзининг бой илми, яратган тадқиқотлари билан шуҳрат қозонди. У Чехословакия, Болгария, Венгрия, Польша, Германия, Япония, Мексика, Америка каби мамлакатларда ўтказилган Халқаро анжуманларда қатнашиб, маърузалар қилди, ўзбек халқи шаънини юксакка кўтарди. У ўзининг морфологик илмий тадқиқотлари учун 1978 йили Брно шаҳри дорилфунунининг катта кумуш медалини олишга муяссар бўлди.

Комилжон Зуфаров Ўзбекистонда ажойиб морфологлар мактабини яратган олимдир. Ҳар бир устоз ўз шогирдлари билан тўла-тўкис бўлади. Ўзбекистонда Комилжон Зуфаровчалик шогирд тайёрлаган олим жуда кам топилади. Садоқатли академик Жаҳонгир Ҳамидов Комилжон аканинг шогирди. У бошқарган кафедра сўнгги йилларда олимнинг мутасаддилиги билан 243 фан доктори ва фан номзодларини тайёрлади. Комилжон аканинг шахсан раҳбарлигида эса 54 фан доктори, 153 фан номзоди диссертация ёқлади. Эндиликда шогирдларнинг кўпчилиги тиббиёт фанининг турли соҳалари бўйича фаолият кўрсатмоқдалар.

Комилжон ака 70 ёшга қадам қўяётган бўлса-да, ҳали ёшлардек бардам ва тетик. Ҳамон изланишдан чарчагани йўқ. Ҳамон оқшомни тонгга улаб ўзбек тиббиёти равнақини ўйлаб умр кечираётгани ибрат мактаби бўлиб қолишига ишончимиз комил. Айниқса, олимнинг ҳаққонийлигию талабчанлиги ҳар қадамда керак бўлиб турибди. Ҳа, умрлар бўладики... бир умр эъзозласанг ҳам камлик қилаверади.

Олим Комилжон Зуфаровнинг 70 йиллик умри ҳам ана шундай эъзозли умрлардан биридир.

Суннатилла АСОМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент.
Тўлқин ИМОМХЎЖАЕВ,
шоир.

ЁРҚИН ЙЎЛГА ОЧИЛГАН ЭШИК

Халқимизда «Ҳунар, ҳунардан унар» деган нақл мавжуд. Дарҳақиқат, мустақил юртимиз иқтисодиётининг ривожи ва равнақи учун билимли, малакали мутахассислар, қўлигул ҳунармандлар ниҳоятда зарур

Янгиобод шаҳридаги Ю. А. Гагарин номли 174-ҳунар-техника билим юрти ташкил этилганига яқинда 20 йил тўлади. Бу билим даргоҳи ўтган давр мобайнида минглаб ўғил-қизларга касб ва билим берди. Улар бугунги кунда нафақат вилоятимизнинг, балки юртимизнинг турли корхона ва ташкилотларида меҳнат қилмоқдалар.

Бу ерда аввалари, асосан, кончилик мутахассислиги бўйича ишчилар тайёрланар эди. 1992 йилдан эса билим юрти техник йўналишдаги лицейга айлантирилди. Ўз навбатида бир қатор янги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Куни кеча мазкур лицейда «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди. Унда иштирок этган Ангрен ва Янгиобод шаҳарларидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари билим юртидаги шарт-шароитлар билан танишиб дарсларда қатнашдилар.

— Биздаги ўқув-тарбия жараёни бошқа ҳунар-техника билим юртларидан фарқ қилади, — деб ҳикоя қилади лицей директори Любовь Настюкова. — Ўқувчилар дастлаб ўрта маълумот оладилар, ҳамда бирон бир касбни эгаллайдилар. Иккинчи босқичда эса уларнинг ичидан энг иқтидорлиларини тест синовлари асосида танлаб олинади, улар ўқишни давом эттириб, ўрта махсус маълумот эгаси бўладилар. Толибларга Лида Аунапу, Елена Егорушкина, Олег Егорушкин, Нурхон Усмонова, Людмила Кузиева каби малакали ўқитувчилар сабоқ берадилар. Ўқув хоналаримизнинг барчаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шаҳримиздаги асбобсозлик заводи бизни ўз оталиғига олган. Завод директори Г. Сидаков доимо лицейимиз ҳаётидан хабардор бўлиб, зарур пайтда ёрдамини сира аямайди. Шу сабабли иқтисод томондан қийинчилигимиз йўқ ҳисоб. Айни пайтда лицейимизда мазкур корхона учун машинасозлик конструкция хизматчилари, радиоэлектрон мослама созловчи ва йиғувчилари тайёрланмоқда. Ўтган йили илк битирувчиларимизни мустақил ҳаётга кузатдик. 35 битирувчидан 5 нафари олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда. Қолганлари эса турли корхоналарда ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат қилмоқдалар.

Бу ерда ёшларнинг қизиқишлари ҳисобга олиниб, бўш вақтларини мазмунли, серзавқ ўтказишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу куни ҳам тадбир қатнашчилари лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган миллий рақслар танловини мароқ билан томоша қилдилар.

Халқимизда «Ҳунар, ҳунардан унар» деган нақл мавжуд. Дарҳақиқат, мустақил юртимиз иқтисодиётининг ривожи ва равнақи учун билимли, малакали мутахассислар, қўлигул ҳунармандлар ниҳоятда зарур. Ана шу нуқтаи назардан, биз юқорида ҳикоя қилган лицей каби ҳунар масканларининг ўрни ўзига хос. Бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни»нинг аҳамияти ҳам, шубҳасиз, каттадир.

А. РАИМОВ.

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР ҲАҚИДА

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 май қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги қонуни 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган эди. Ушбу қонунга мувофиқ вилоятимизда «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ», «Ер солиғи», «Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ», «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни рўйхатга ўтказганлик учун олинадиган йиғим»лар жорий қилинган. Бу тўловлар 1994 йилдан бошлаб амалда қўлланилмоқда. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги қонунида юқорида қайд этилган солиқ ва йиғимлардан ташқари яна «Реклама солиғи», «Вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими», «Шаҳар ёки туман ҳудудларини супириб-сидириш учун йиғим» каби турлари ҳам мавжуд. Ушбу солиқ ва йиғимларнинг моҳияти ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш учун жамоатчи мухбиримиз Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўлимининг бошлиғи М. ПОШШОХЎЖАЕВГА мурожаат қилди.

— Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг жорий этилиши сабабларини тушунтириб берсангиз?

— Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги қонунининг амалга киритилиши, энг аввало, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа моддий ресурсларни тақрор ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий этилган.

— Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ вилоятимиз ҳокимининг 1995 йил 31 мартдаги 85-сонли қарорига асосан 1995 йил 1 апрелдан бошлаб вилоятда «Реклама солиғи», «Вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома берилганлиги учун йиғим», «Шаҳар ва туман ҳудудларини тозалаганлик учун йиғим»лар жорий этилди. Бу солиқ ва йиғимлар амалда қандай қўлланилади?

— Гап солиқ ва йиғимларни ҳисоблаш тартиби ва тўлов муддатлари ҳамда моҳияти ҳақида борар экан, уларнинг ҳар бири устида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман.

Ўзингизга маълум, ҳозирги кунда тадбиркор ва ишбилармонлар тобора кўпайиб бормоқда. Турли хил вино ва ароқ маҳсулотлари республикамиз ҳудудларидаги савдо-сотиқ шоҳобчаларига, расталарига чиқарилмоқда. Лекин, шу маҳсулотлар истеъмолга лойиқми? Инсон ҳаёти учун зарарли эмасми? Мана шундай саволларга жавоб бериш мақсадида фирма ёки ташкилотларнинг улгуржи ва чакана савдо қилиш учун келтирган маҳсулотларининг сифати, таркиби, қонунга мос ёки мос эмаслигини билиш зарур. Албатта, вино ва ароқ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома йиғими тўлови фирмалар учун қийинчилик туғдирмайди. Аммо, савдо қилиш учун маҳаллий ҳокимият белгилаган ваколатли идора томонидан бериладиган рухсатнома (лицензия) қатъий назоратдаги ҳужжат ҳисобланади. Санитария-эпидемиология станциясининг ушбу маҳсулот сифати, яъни унинг истеъмолбоп эканлиги ҳақида хулосаси бўлмаса, рухсатнома бериш ман этилади.

Ушбу йиғим юридик ва жисмоний шахсларга рухсатнома берилаётганда ҳар бир савдо ойи учун республикадаги битта энг кам иш ҳақи миқдорида ундирилади. Бу йиғимлардан тушган пул маблағлари юз фоиз маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусийлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилингач, мамлакатда, шу жумладан, вилоятимиз ҳудудларида ҳам тадбиркорлар ишга тушираётган хусусий дўконлар, савдо расталари сони тобора ошиб бораяпти. Бу эса ўз навбатида жойларда турли хил чиқиндиларнинг кўпайишига, атроф муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлаётир. Бунинг олдини олиш, теварак-атрофни супириб-сидириб, саранжом-сариштa сақлаш,туман ва шаҳарлар кўркига кўрк қўшиб, ободонлаштириш, айниқса, муҳимдир. Қолаверса, тозалик бор жойдан файз, қут-барака аримайди.

«Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида

Теварак-атрофни супириб-сидириш учун йиғим, энг аввало, туман ёки шаҳар коммунал-хўжалик бўлинмалари билан ҳудудни тозалаш бўйича битим шартномаларига эга бўлмаган ёки шундай шартномаларга эга бўлатуриб, уларни бажармай келаётган юридик ҳамда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, ўз хусусий дўкони, савдо ва хизмат кўрсатиш расталарига эга бўлган жисмоний шахслардан ундирилади.

Бу йиғим юридик шахслардан солиқ солинадиган фойданинг бир фоизи, жисмоний шахслардан эса бюджетга барча тўловларни тўлаб бўлганидан сўнг ўз тасарруфида қоладиган соф даромаднинг 0,3 фоизи миқдорида ундирилади. Йиғим тўловлари туман ва шаҳар бюджетларининг махсус рақамига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунига қадар тўланади. Шунингдек, шу муддат ичида йиғимни тўлаганлик ҳақидаги ҳисобкитоблар жойлардаги давлат солиқ идораларига топширилиши шарт.

Ушбу йиғимлардан тушган пул маблағлари маҳаллий бюджетларнинг махсус ҳисоб рақамларига тўла ҳолда ўтказилиб, бу маблағлар фақат ҳудудларни ободонлаштириш ва тозаликни сақлаш ишлари учунгина сарфланади. Ушбу маблағларни бошқа мақсадлар учун сарфлаш қатъиян ман этилади.

— Реклама солиғи тўғрисида ҳам тўхталсангиз?..

— Реклама солиғи тарғибот ишларини амалга оширувчи реклама агентликлари орқали шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларига тўланади. Яъни ўз маҳсулотларини реклама қилувчи юридик шахслар солиқларини тўлаши учун реклама агентлигининг ҳисоб рақамига пул ўтказадилар. Сўнгра реклама агентлиги реклама қилиниши керак бўлган маҳсулотни тарғибот қилишга киришади.

Реклама солиғи миқдори мижозга кўрсатилган реклама хизмати қийматининг 3 фоизи миқдорида белгиланади. Масалан, бирор фирма ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини савдо тармоқларига етказиш мақсадида реклама агентлигига мурожаат қилди, дейлик. Бу агентлик тарғибот ишларини юритиш учун, аввало, ўз харажатини ҳисоблайди., яъни шу маҳсулотни реклама қилиш учун кетадиган харажати, айтайлик, 1000 сўм бўлса, реклама агентлигига мурожаат қилган фирма бу агентлик ҳисоб рақамига 1030 сўм пул ўтказади. Демак, фирма учун солиқ миқдори уч фоизни яъни 30 сўмни ташкил этади.

Реклама солиғи маҳаллий бюджетларга ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун реклама агентликлари солиқ органларига тўланиши керак бўлган солиқ миқдорининг ҳисоб-китобини ҳар ойнинг 15 кунигача тақдим этадилар ва 5 кунлик муддат ичида солиқ тўлайдилар.

— Агар реклама агентлигига мурожаат қилаётган жисмоний шахс бўлсачи, у ҳолда реклама солиғи қандай тўланади?

— Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар реклама солиғини қирим ордери орқали реклама агентлигининг кассасига тўлайдилар. Маҳсулотни тарғибот қилиш ишлари фуқароларнинг реклама ҳаражатлари билан бирга солиқ миқдорини тўлаганлиги ҳақидаги қирим ордерининг йиртимини (корешогини) тақдим этганидан сўнг амалга оширилади.

— Реклама беришда ҳам қандайдир енгилликлар борми?

— Ҳа енгилликлар бор, албатта. Масалан, мақсади тижорат бўлмаган рекламалар, хайрия тадбирлари учун бериладиган, товарлар сотиладиган биноларда жойлаштирилган ахборот кўргазмалари ва пештахталар, юклатилган иш функцияси билан боғлиқ бўлган давлат органларининг эълон ва билдиришлари реклама солиғидан озод этиладилар.

Суҳбатдош Х.УМАРОВ.

Ғалабанинг 50 йиллиги

ТОШКЕНТЛИК ЛОЧИНЛАР

Шаркнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланган Тошкент аэропорти уруш йилларида ҳарбий қалъа аҳамиятини касб этмаган бўлсада, унинг лочин учувчилари турли жабҳаларда жанговар самолётлар билан ҳавога кўтарилиб, душман кучларини яксон этишда жасорат кўрсатган. Бандаргоҳ урушда қўл келадиган самолётларини ва жуда кўплаб авиаторларни фронтга юборган.

Борис Тихомолов, Наби Ваҳобов, Абдусамат Тайметов, Ғафур Орипов сингари учувчилар номлари авиация корхонасининг фахри ҳисобланади. Моҳир учувчи Абдусамат Тайметовнинг жасорати тилларда достон бўлган. У эллик йил муқаддам май ойида олий қўмондонлик вакилларини Берлинга таслим ҳужжатини имзолаш тарихий воқеасига олиб борган ва ўша ҳужжат билан Олий бош қўмондонлик вакилларини Москвага олиб келган.

Бугунги кунда ҳаёт бўлган Андрей Купцов, Иван Коршунов, Зуҳрулла Мирқосимов, Николай Титлов, Вера Еганова, Василий Коршак, Валентина Мочалова ва бошқалар ғалаба нашидасини сурмоқдалар.

А. ТУРАЕВ суратлари.

ҒАЛАБАГА ДАҲЛДОР

Асрлардан асрларга, насллардан насларга ўтиб келаётган буюк туйғу — Ватанга муҳаббатдир. Шу муҳаббат сабаб Ватан учун ширин жонини тиккан фидойилар озмунчами? Шу қаҳрамонлар орасида камсуқум, камтарин юртдошимиз Раҳматулла Назаров ҳам бор эди. У инсон 1923 йил Тошкентнинг Камолон маҳалласида таваллуд топган. Онадан эрта етим қолиб, акаси Абдулла билан ўгай она қўлида тарбияланди. Ўрта мактабни тамомлаб Тошкент педагогика олийгоҳи қошида очилган бир йиллик курсда ўқиди. 1942 йилнинг ёзида ҳаракатдаги қўшинларда хизматга чақирилди. Намангандаги пиёдалар ҳарбий билим юртини тугатар-тугатмас фронтга жўнади. Сентябрь ойининг бошларида Волхов фронтига етиб келдилар, бир неча кундан кейин жангга кирдилар. Раҳматулла учун машаққатли ҳарбий хизмат бошланди. Биринчи қонли тўқнашувдаёқ икки оёғидан оғир ярадор бўлди. Тўрт ой даволаниб яна ўзи хизмат қилган гвардиячи 64-дивизияга қайтиб, жангларда қатнашди. Акаси эса жангларнинг бирида мардларча ҳалок бўлди. Раҳматулла Волхов шаҳри учун олиб борилган жангларда бир қўли ва бир оёғидан яна ярадор бўлди.

У Ленинград, Болтиқбўйи шаҳар ва қишлоқларини немис-фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этди. Фашистларни изма-из қувиб Берлин остоналаригача етиб борди. Раҳматулла Назаровнинг жанговар хизматлари муносиб тақдирланиб, биринчи даражали Ватан уруши ордени, «Жасорати учун», «Ленинград ҳимояси учун» каби ўндан ортиқ медаллар билан мукофотланган.

Германиядаги совет қўшинлари бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков имзо чеккан Р. М. Назаров номига ёзилган ташаккурномада шундай жумлаларни ўқиймиз: «Сиз оғир уруш йилларида узун ва машаққатли йўлни босиб ўтдингиз. Оғир синовларни бошингиздан кечирдингиз. Бироқ жангларда урушнинг машаққатли йилларида бошингиздан кечган қийинчиликлар эса зое кетмади. Дунёда энг кучли ва ёвуз душман — гитлерчилар Германияси устидан Ғалабага эришилди. Сиз душманни ўз уясида яксон этишга ва Берлин узра Ғалаба байроғини тикишга ўз ҳиссангизни қўшишга мушарраф бўлдингиз.

Ватанимиз бахт — саодати йўлида виждонан хизмат қилганингиз учун сизга ташаккур билдираман».

Раҳматулла ота урушдан кейинги йилларда халқ маорифида, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб ҳаммага ибрат бўлди. Меҳнатсеварлиги, адолатпешалиги, яхши одоб-ахлоқи билан эл олқишига сазовор. Қобил фарзандлар ўстирди. Кексайганда меҳрибон фарзандлар, бир-биридан ширин неваралар ардоғида пиру-бадавлат умргузаронлик қилмоқда. Ҳар куни уни йўқлаб келувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Қариндош-уруғ, жигарларинг, ёру дўстлар, маҳалладош, юртдошлар ҳурматидан ортиқ бахт борми?

Раҳматулла ота! Ғалаба байрамингиз, чарақлаган бахтингиз муборак бўлсин.

МИРЗА АНВАР.

АЖАЛНИНГ «ОҚ РАНГИ»

Жангчи ён дафтаридан

...1942 ЙИЛНИНГ қаҳратон қиши. 226-ўқчи дивизиянинг 329-алоҳида танкка қарши отувчи тўпчи қисми Сталинград чўлларида душманга қарши аёвсиз муҳорабада иштирок этарди. 45 миллиметрлик тўпни аскарлар «ўлим ёрдамчиси» деб бежиз аташмасди. Зеро уни аввалари икки от судрарди. Бу ҳол узоққа чўзилмади. Украинанинг Подольск шаҳридан бўлган Орлов зотлари дастлабки тўқнашувлардаёқ ўққа учиб, халок бўлишган эди.

Бу отларнинг айили энди аскарлар бўйнига тушди. Улар қор кечиб, зўр бериб, баҳайбат тўпларни судрашар эди. Взвод командири бақирар, сўкинганча ҳаммани олға ундарди. Қуйиниш, жон ачиш, ғамхўрлик қилиш деган нарсани у хаёлига ҳам келтирмасди. Аскарлар елкалари яғир бўлиб кетган, қонталаш бўйинлар шундоқ кўзга ташланиб турарди. Устига-устак отишмалар тинмайди. Душман ўқлари ҳар икки томонимиздан ғув-ғув ўтиб турибди. Тайғаноқ ер ҳам панд беради. Одамлар уриниб-суриниб, гоҳ йиқилишади, гоҳ туришади. Навбатдаги отишма бошланди. Душман шундай ўқ ёғдирдики, бош кўтариб бўлмайди. Қаёққа қараманг, ажалнинг «оқ ранги» кўзга ташланади. У ҳозир келиб бўғзингдан хиппа олиши ва махв этиши ҳеч гап эмас.

Взвод командири Волков довдираб қолган. Яланг «Энди нима қиламиз» дерди. Уни мен бир ҳандакка судрадимда, нафасни босиб олгач, шундай дедим: «Ким нима хоҳласа, шуни қилсин, истаганини есин, ичсин, кейин бир гап бўлар». Ўнг ва сўл томонимизда сафдошларимиз бирин-кетин ерга йиқилмоқда. Назар солиб қарасам, рўбарўда ишдан чиққан душман танки ичига яшириниб олган мерган бизларни нишонга олаётганлигини пайқаб қолдим. Шеригим Иванга буйруқ бердим: «Заряжай, Ваня!». Биринчи ўқ танкнинг тепасига, иккинчиси — ҳайдовчи ўтирадиган туйнукка, учинчиси — қоқ ўртасига тегди. Буркситб тутун чиқа бошлади. Сезмай қолибман. Бир маҳал қарасам, Ваня сал четда ўқ еб, инграниб ётарди. «Спасай!» деб ёлворарди у менинг кўзларимга тикилиб. Уни панага олиб ўтдим. Ихтиёримизда бўлган бинт, пакетлар билан унинг ярасини ўрайман. Қани энди қон тўхтаса. Қарасам, бўлмайдиган... Тўпнинг шотисидаги чиганани ечиб олиб, дўстимни ётқиздим. Тирсакда эмаклаб, орқага йўл олдим.

Ия, бу нимаси... Кўзимга бир аскар кўринди. У жанг майдонида югуриб юрар, бориб, ўлганлар ёнига тиз чўкар, уларнинг ҳамёнларини титкилаб, қимматли нарсаларини шилиб олаётган эди. Шунақа ҳам пасткашлик бўладими?! Уни кузатишда давом этдим. Бояги разил ҳалок бўлганлардан оладиганини олиб, бир маҳал четроқдаги чоҳ томон югурди ва нима учундир бир зум тик туриб қолди. Шу онда у бақириб юборди. Дайди ўқ уни ҳам асфаласофинга жўнатган эди.

Во дариғ, тақдиримда нима бор экан? Омон қолармиканман, деган саволлар миямда чарх урарди. Дўстим Ваня ортилган чиганани судраб, ҳамон олға интиламан. Алқисса, бир хандаққа етиб бордим. Қарасам, у ерда Волков ўтирибди. Менга бир нарса демоқчи бўлиб, ярадор томон энгашди-ю, чўчиб кетди. Чунки, Иваннинг жони узилган экан. Очиқ қолган кўзларини бармоқларим билан беркитиб қўйдим.

Яна отишма бошланди. Взвод командири билан ўнг қанотга ташландик. Бироқ у ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Майдон сатҳи қорамтир, қизғиш рангга бўялган. Бу тенгсиз олишувда ҳалок бўлган ёш аскарларнинг қонлари эди. Бир неча қадамдан сўнг Волков ҳам ўққа учди. Афсус, унга ёрдам бера олмадим.

...Ҳамон Сталинград чўлларидаги ўша манзара ёдимдан чиқмайди. У мени бир умр таъқиб этади. Тез-тез тушларимга киради. Ўша қирғин баротда қандай қилиб омон қолганимни ҳанузгача тушуна олмайман. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деганлари балким шудир. Ёки ўшанда ҳар дақиқада «Онажон, ўғлингни дуо қил, шу дўзохдан омон-эсон чиқай!» деб ёлборардим. Балким, чиндан ҳам мени онамнинг дуолари асраган бўлса, ажаб эмас.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
уруш қатнашчиси, истеъфодаги лейтенант.

ЗАРҚАЙНАРЛИКЛАР

Уруш бошланганда минглаб мард ўзбек фарзандлари қатори Тошкентнинг қўҳна Зарқайнар маҳалласининг энг сара йигитлари ҳам жангга отланган эдилар. Кўплари ҳалок бўлди, айримлар бедарак кетди, соғ-омон қайтганлар ҳам ҳозир саноқли қолган.

Маҳаллада яшовчилар урушда ҳалок бўлган жангчиларни ҳурмат билан эслашади, фахрийларнинг эса иззатини жойига қўйишга интилишади. Яқинда маҳалла қўмитаси биносида бир пиёла чой устида бўлиб ўтган учрашув ҳам уруш фахрийларини шарафлашга бағишланди.

— Мен 1938 йилда армия хизматига чақирилган эдим, — деди фахрийлар номидан сўзга чиққан Ориф ака Юсупов. — Хизмат тугай деган вақтда уруш бошланди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатларни бошимдан кечирдим. Қанча дўстларимдан айрилдим. У кунларни биз кўрдик, фарзандларимиз кўрмасин. Фахрийларни шунчалик эъзозлаётган ҳукуматимизга ҳам, ёшларимизга ҳам минг раҳмат!

Суратда: (чапдан ўнгга) уруш фахрийлари А. Иброҳимов, О. Юсупов, И. Абдуллаев, К. Магнавеев, З. Толиповлар фронт хотираларини эслашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ИСЛОҲОТНИНГ КАТТА ЙЎЛИДА

БУ ДАСТГОҲЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН

Бугун Зангиота туманидаги Ўзбекистон станоксозлик заводида тайёрланган дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар ва истеъмол буюмларига нафақат республикамизда, балки, хорижий давлатларда ҳам талаб ортиб бормоқда

АСЛИДА, корхона унчалик катта ҳам эмас, бор-йўғи 350 нафар киши ишлайди. Лекин, бу ердаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳақиқатан ҳам диққатга сазовор. Ушбу корхонанинг раҳбари — туман кенгашининг депутати Борис Алексеевич Сорокинни замонавий раҳбарлар сирасига дадил киритиш мумкин. Мушоҳадаси кенг, келажакни ўйлаб иш юритувчи тадбиркор мутахассис бошчилигида заводда чин маънода «инқилоб» юз берди, деса бўлади. Илгарилари пахта териш машиналарига айрим қисмлар тайёрланган бу корхонада бугунги кунда энг сўнгги андозадаги токарлик, фрезерлик ва пармалаш дастгоҳлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотлар тури йил сайин кўпайиб бормоқда. Лўнда қилиб айтганда, корхона ислоҳотнинг катта йўлига чиқиб олди.

Яқинда ушбу корхона раҳбари Борис Алексеевич СОРОКИН билан қилинган ишлар, режалар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Борис Алексеевич, Республика Президенти Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги ўз маърузасида барча соҳадаги истиқболимизнинг асосий тамойилларини баён қилиб бердилар. Хусусан, у киши бугунги кунда жойларда ислоҳотларнинг моҳияти, энг аввало, раҳбар ходимларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Мен суҳбатимизни бежиз шу саволдан бошламадим. Буни ҳаёт исботлаяпти. Қаерда тадбиркор, тиришқоқ, ишбилармон, ҳалол кишилар бош бўлса, ўша ерда ислоҳотлар ишлаяпти, халқ яхши яшаб, мўмай даромад қиляпти. Аксинча бўлган жойда...

— Фикрингизга тўла қўшиламан. Менга қолса, Президентимизнинг республика Олий Мажлиси I сессиясидаги нутқларини Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида янги даврни бошлаб берган ҳужжат деб баҳолардим. Маърузада ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонда ўтган қисқа даврда нималарга эришилди, келгусида қандай ишлаш керак, деган саволлар аниқ ва лўнда ифодалаб берилди. Бошқаларни билмадиму, шахсан менга ва жамоамизга бу маруза янги-янги имкониятларни очиб берди.

Раҳбар, унинг масъулияти тўғрисида кўп гапирилган. Дарҳақиқат, жамоат тараққиётида бу масала катта аҳамиятга эга. Ислом Абдуғаниевич шундай иборани келтирдилар: «Токи ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъул эканини теран ҳис этсин, у белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида одамларни бирлаштириш, ижодий муҳит ярата билиш қобилиятига эга бўлиши лозим». Бу сўзларнинг тагида жуда чуқур ва кенг маъно бор. Айниқса, бугунги давр раҳбарлардан ишга мутлақо янгича ёндашувни талаб этмоқда. Зеро сенга бирон бир корхона, жамоанинг тақдири ишониб топширилган экан, сен бу ишончни оқлаш учун ҳаракат қилишинг, изланишинг керак. Қўлингдан келмаса, четга чиқиб қўя қолганинг маъқул. Бу замон, давр талабидир. Қолаверса, республика Президенти ва ҳукумати бизга бу борада барча имкониятларимизни ишга солишимизга кенг йўл очиб бераётган экан, бундан фойдалана билмаслик ношудлик бўлади.

Биз ишга шу нуқтаи назардан ёндошдик. 1978 йилда давлат техника илмий-тадқиқот институтининг филиали сифатида Ўрта Осиё экспериментал заводи базасида ташкил этилган корхонамиз пахта терадиган машиналарнинг тажриба намуналари учун қисмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланарди. Ўз-ўзидан маълумки бу ишларнинг асосий қисми собиқ иттифоқ миқёсида амалга ошириларди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришди. Заводни янги йўналишга солиш устида қатъий иш бошладик. Бу осон кечмади, албатта. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Биз ўша даргача собиқ иттифоқ ҳудудидаги 46 та корхона, ташкилот билан ўзаро алоқада ишлаб келдик. Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида бу алоқалар ҳам узилиб қолди. Нима қилиш керак? Илмий текшириш институтлари, олимлар ва мутахассислар билан биргаликда кўп ўйладик. Шу тариқа 1991 йилдан бошлаб халқ хўжалиги учун дастгоҳлар ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиб қолди. Эндиликда корхонамизда токарлик, фрезерлик ва пармалаш дастгоҳлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий ўзагини жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ташкил этади. Шундай экан, бу талабни ҳисобга олиб кичик таъмирлаш корхоналари, хўжаликлар ва устахоналар учун энг сўнгги андозадаги дастгоҳлар яратиш устида иш бошладик. Бундан 2 йил муқаддам тайёрланган универсал фрейзерлик дастгоҳимизнинг тажриба намунаси юксак баҳоланди. Шу тариқа токарлик ва кесувчи станокларни ҳам такомиллаштирдик.

Бугун шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон станоксозлик заводида тайёрланаётган дастгоҳларга Марказий Осиё республикалари, Россия ва бошқа ҳамдўстликдаги давлатлар билан биргаликда хориждан ҳам буюртмалар келмоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, бу дастгоҳларнинг барча қисмлари тайёрлаш жараёни ўзимизда амалга оширилмоқда. Демоқчиманки, яқин йилларда 46 та корхона билан зўрға эҳтиёт қисмлари тайёрлаган завод эндиликда мустақил маҳсулот бермоқда.

Шу ўринда яна бир рақамни айтиб ўтмоқчиман. Корхонамизда илгари қанча бўлса, бугун ҳам шунча — 350 нафар ишчи хизматчилар меҳнат қилмоқда. Аммо, меҳнат унумдорлиги 1993 йилдагига нисбатан 137,3 фоизга ўсди. Ана шунинг ўзиёқ мустақиллик, ислоҳот берган мевадир, деб ўйлайман.

— Замон ҳар куни изланишни, янгилик учун ҳаракат қилишни талаб қилмоқда. Демоқчиманки, бугунги муваффақият ёки ютуқ билан кифояланган корхонанинг эртаси бўлмайди. Сиз бунга нима дейсиз?

— Тўғри гап. Бозор иқтисодиётига ўтмоқчи эканмиз, жаҳон бозорига чиқмоқчи эканмиз, бошланган ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишларимизни такомиллаштириб бориш бош вазифа бўлиб қолиши керак. Шу нуқтаи назардан республика Президентининг сессиядаги бир ибораларини эслатиб ўтмоқчиман: «Энди асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди». Назаримда биз ана шу масалада тўғри йўлни танлай олдик. Бугун олдимга турли ташаббус ва таклиф билан кирувчи мутахассисларимиз, ходимларимизни кўриб қувонаман.

Ана шу мутахассислар ва олимлар билан ҳамкорликда ўтган йили «Ўзстанкорос» — Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасини ташкил этдик. Бундан асосий мақсад — Ўзбекистондаги, қолаверса, Марказий Осиёдаги қўшни республикаларнинг қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирловчи корхоналарини такомиллашган универсал дастгоҳлар билан таъминлашдир. Чунки, собиқ иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин, юқорида айтганимдек, Ўзбекистонга Россиядан биронта ҳам янги станоклар келтирилмади.

Биз россияликлар билан биргаликда ишни дадил бошладик. Республиканинг эҳтиёжини ҳисоблаб чиқдик. Йилига таъмирлаш корхоналарига 700 тагача токарлик станоклари зарур экан. Биз энг сўнгги нусҳадаги дастгоҳларни тайёрлай бошладик. Уларнинг харидорлари кўпайиб бормоқда.

Биласизми, Ўзбекистоннинг имкониятлари шунчалик каттаки, бу ердаги хом ашёлардан бугунги кунда муаммо бўлиб турган кўплаб маҳсулотларни тайёрлаш имкониятлари бор. Биргина мисол — электродни олиб кўрайлик. Унга эҳтиёж катта. Биз мамлакатимиздаги ва Украинадаги олимлар билан ҳамкорликда электрод ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Академик Патон технологияси асосида яратилган жаҳон талабларига жавоб берадиган электродларнинг 9 та қоришмасининг ҳаммаси биринчи марта Ўзбекистоннинг ўзида тайёрланди.

Яқинда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай:

Мен ўз корхонамизда тайёрланган электродни устаси фаранг бир тажрибали пайвандчига бердим. Унга «бу электродлар Японияда келтирилган, бир синаб кўр»,— дедим. Орадан уч кун ўтгач, ҳалиги одам «японлар зўр-да, буни қаранг, ниҳоятда сифатли пайванд қиляпти»,— деди. Демоқчиманки, ҳаракат қилсак, ҳар қандай хорижий давлатлар даражасидаги маҳсулотларни ҳам тайёрлашимиз мумкин экан.

Бугун-эрта ускуналаш ишлари якунланаётган цехимизда йилига минг тоннагача электродлар тайёрлаб беришимиз мумкин. Бу мамлакатимиздаги барча қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхоналари эҳтиёжини қарийб йилига 2 марта қондиришга етади.

Замон талабини ҳисобга олиб, Ўзбекистондаги кичик корхоналар, фермерлар учун ихчам ҳажмдаги зарур мосламалар, дастгоҳлар ва турли истеъмол моллари тайёрлашга ҳам киришдик. Уларнинг орасида токарлик ва пармалаш дастгоҳлари ҳам бор.

Биз корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун махсус дўкон очяпмиз. Бу ердан аҳоли истаган нарсасини харид қилиб олиши мумкин.

Халқимизнинг эҳтиёжини ўрганиб боряпмиз. Шу асосда кичик ҳажмли тегирмонлар яратишга киришдик. Бу тегирмон ёрдамида қулай усул билан буғдойни қайта ишлаш мумкин. Хуллас, режалар кўп. Изланиш давом этяпти.

— Истаймизми, йўқми, ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. Қаерда кишилар меҳнатига яраша ҳақ олса, даромад қилса, ўша ерда ривожланиш бўлади...

— Республика Президенти ва ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг муҳим жиҳати шуки, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич йўлидан боряпти. Давлат бош ислоҳотчи сифатида бизга катта имкониятлар ва мадад беряпти. Биз ижро этяпмиз. Шундай экан, ишчи-хизматчиларни моддий манфаатдор қилиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя этиш биз учун асосий масала бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Корхонамиздаги ислоҳотлар туфайли иш ҳақи ошиб боряпти. Режалар ортиғи билан бажариляпти. Муҳими — меҳнат унумдорлиги кўтарилмоқда. Ўз-ўзидан буларнинг ҳаммаси уларнинг яхши даромад қилишларига олиб келяпти. Агар 1993 йилдаги натижаларга солиштирадиган бўлсак, корхонада иш ҳақи деярли ўн баравар ошди. Ҳозир бизда ўртача маош 900-1000 сўмни ташкил этмоқда. Рентабеллик 2 йилда 121,9 фоизга ошди.

Биз бундан буён ҳам ишчи-хизматчиларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш устида ҳаракат қилаверамиз. Уларга арзон нархларда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ҳам етказиб бериляпти.

— Биз корхонага келишдан олдин шу ҳудуддаги маҳалла фаоллари, оқсоқоллар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар корхона томонидан берилаётган хайрли ёрдамни, эътиборни чуқур ҳурмат билан тилга олдилар. Борис акадан миннатдормиз дедилар...

— Бу корхонанинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Ахир ўзингиз ўйланг, корхонада шу ернинг одамлари ишлашади, меҳнат қилишади. Ютуғимизни, муваффақиятимизни таъминлашади. Нега энди уларнинг фарзандларига, ота-оналарига ёрдам бермаслигимиз ёки бирон муаммосини ҳал этмаслигимиз керак?!

Жамоамиз маҳалла аҳли билан яқин алоқада меҳнат қилмоқда. Наврўз, Мустақиллик куни ва бошқа байрамларни биргаликда ўтказамиз. Раҳбар сифатида вақтивақти билан оқсоқолларимиз, қариялар билан суҳбатлашиб тураман. Уларнинг фикрини эшитаман. Шу асосда бирон масалани ҳал этиш зарур бўлса, кўмаклашамиз. Корхона ҳисобидан бир қанча ночор оилаларга кўмак беряпмиз. Яқинда Ўртаовул қўрғони халқи учун тегирмон қуриб беришни режалаштирдик.

Ҳадемай халқимиз фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлайди. Биз ҳудудимиздаги 8 та маҳалладан урушга бориб келган фахрийларни йиғиб, катта тадбир ўтказяпмиз. Оқсоқолларимизга махсус совғалар тайёрлаяпмиз. Хуллас, маҳалла, қишлоқ аҳли биз учун қадрдон бўлиб қолган.

— Борис Алексеевич, ҳар бир корхонанинг илғорлари, муваффақиятини таъминловчи кишилари бўлади. Шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, яратилаётган ҳар бир янги дастгоҳ устида муҳандис-конструкторларимиз, ишчи-хизматчиларимиз ойлаб, йиллаб ишлашади. Масалан, янги фрезерлик станогини яратишда Василий Иванович Хмиз бошчилигидаги мутахассисларимиз уч йилдан ортиқ бош қотиришди. Бу ишларга корхонанинг бош конструктори Анатолий Николаевич Кабанов раҳбарлик қилди. Комилжон Рихсиев, Алиҳўжа Ғуломов, Фотих Гаязов сингари уста ва ишчиларимиз ҳам янги дастгоҳларни яратишда тинмай меҳнат қилишмоқда. Яқин кунларда ана шу ижодкорларимизнинг изланишлари натижасида яна бир янги пармалаш дастгоҳи яратилди. Унинг номини «Наврўз» деб атамоқчимиз. Бу ихчам пармалаш дастгоҳи таъмирлаш корхоналари учун анча қулайликлар яратади.

Беистисно, мен корхонамизнинг ҳар бир аъзосини чуқур ҳурмат қиламан ва қадрлайман. Чунки, заводни юксалтираётган, ислоҳотларни амалга ошираётган ана шулардир.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, жамоамиз Ўзбекистонда тўнғич ҳисобланган станоксозлик заводининг довруғини ошириш учун тинмай меҳнат қилаверадилар. Биз ўз маҳсулотимиз билан республикамиз мустақиллигига, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшсак ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Суҳбатдош Ф. МУҲИДДИНОВ.

Иқтисодий салоҳиятимизни ва даромадимизни янги босқичга кўтарадиган яна бир долзарб вазифа, асосий муаммо ва устун йўналиш — бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифати ҳамда рақобатга чидашини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадида иқтисодиётда таркибий-структуравий ўзгаришларни амалга оширишдир.

И. А. КАРИМОВ.









КОРХОНАНИНГ сайқалловчилари Раҳмат Қосимов, Норхўжа Ойхўжаев (юқорида), бош муҳандис Аркадий Маташков, чилангар Баҳром Юнусматов ва токарь Зафар Жўраев (пастда чапдан) лар сиз тасвирда кўриб турган замонавий дастгоҳлар ва эҳтиёт қисмларнинг ижодкорларидирлар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ЧЕГАРА ЁПИЛДИ

Покистон Белужистон вилоятидаги Афғонистон билан давлат чегарасини ёпиб қўйди. Бундай хавфсизлик чораси кўрилишига сабаб бир неча кун бурун «Толибон» ислом ҳаракати жангариларининг Покистон полициясидан беш нафар кишини ўғирлаб кетганлигидир.

ҲАРБИЙ ҚУДРАТ ОРТИБ БОРМОҚДА

Японияга ўз иқтисодиётини милитаризациялаш ва ҳарбий қудратини икки баравар ошириш учун — уч-беш йил кифоя қилади. Мамлакатнинг ҳозирги қуролланиш суръатлари сақланиб қолган тақдирда ҳам Япония 2010 йилга бориб Хитой ва Ҳиндистон билан бирга Осиёдаги энг кучли учта давлат сирасига киради. Австралия давлат дорилфунунининг стратегия ва мудофаа марказида юқоридаги учта мамлакат, шунингдек, АҚШ ва Россиядаги ҳарбий ўсиш жараёни таҳлил қилиниб, ана шундай хулосага келинган.

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КАМАЙМОҚДА

Сўнгги икки йил ичида Озарбайжонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 20 фоизга қисқарган, дейилади Халқаро валюта жамғармасининг бу мамлакатга 46 миллион доллар миқдорида кредит бериш арафасида тарқатган хабарида.

БУРЯТИСТОННИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Бурятистон Республикаси халқ парламенти сессияси мажлисида Бурятистон давлат герби, мадҳияси ва давлат нишонлари тасдиқланди. Энди республика гербига миллий тимсоллар рамзи туширилади. Шунингдек, унда Бойқол тўлқинлари, тоғлар ранги акс эттирилган. Маҳаллий шоирнинг халқ орасида машҳур қўшиғи давлат мадҳияси сифатида қабул қилинди.

ОРОМГОҲНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

Михаил Горбачевнинг Форосдаги сўлим оромгоҳи сурила бошланди. Бу табиий жараён шунчалик жиддийки, собиқ Президентнинг ҳашамдор дам олиш маскани фойдаланиш учун мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолди. Қрим ҳукумати уни сақлаб қолиш учун пул ажратишга кўзи қиймаяпти, бузиб ташлашга ҳам қўли бормаяпти. Ўн йил бурун Михаил Сергеевич бошлаган сиёсий ислоҳотлар сингари унинг қаровсиз оромгоҳи ҳам аянчли қисматга дуч келди.

ҚИЗИҚИШ ҚОЛМАГАЧ

Москва Кремлидаги Ленининг ёдгорлик ишхона — квартираси ўз фаолиятини тўхтатди. Кремль музейи кўргазмаларининг бир қисми Москва яқинидаги «Ленин Горкасига» кўчирилди. Ленин кўргазмаларидан бўшаб қолган биноларга бадиий галерея жойлашса керак, деб тахмин қилмоқдалар.

ИЛОНЛАРНИ ТИНЧ ҚЎЙИНГ

Хитойнинг аксарият туманларида каламушлар кўпайиб кетди. Баъзи жойларда уларнинг сони икки-беш баравар ортди. Ўтган йили бу зараркунандалар 7 миллион тонна гуручни еб битирди. Бу 40 миллион кишига етадиган дондир. Каламушлар кўпайишига сабаб уларнинг табиатдаги душмани — илонлар кўплаб ов қилинаётганлигидадир. Чунки Жанубий Хитойда илонлар севимли таом ҳисобланади. Хитой ҳукумати қишлоқ ва уездларда каламушларни қириш ва айни чоғда рухсатномасиз илон овлаганларни жазолаш командалари тузиш ҳақида фармойиш берган.

ЯНА БИР «БЕРМУД УЧБУРЧАГИ»

Хитойнинг ўз «Бермуд учбурчаги» бор. Бу бамбуклар ўсадиган дарадир. Қора бамбук дараси деб аталган ана шу жойдан заҳарли ҳаво таралади. Ундан нафас олган одамлар хушидан кетиб йиқилади ва ўлади. Дара устидан учиб бораётган самолётлар ўз йўналишларидан чиқиб кетади. Чунки бу жойда жуда кучли магнит майдони бор бўлиб, у компаслар ва навигация асбоблари ишига таъсир қилади.

(Жаҳон матбуоти хабарларидан).

МУКОФОТ МУБОРАК, РАҲИМА АЯ!

ЎША КУНИ туман ҳокими кўпгина фахрийлар қатори 90 ёшли Раҳима Камолова кўксига «Шуҳрат» медалини тақиб қўйди. Қотмадан келган чуваккина аёлнинг кўзларида севинч ёшлари қалқиди.

— Икки оғиз гапирсам майлими, ўглим? — сўради онахон.

— Бемалол, бемалол, онахон, — деди ҳоким.

Раҳима ая бироз ҳаяжонини босгач, бундай қутлуғ кунларда кўп йиллик меҳнати, хизмати қадр топгани учун ҳукумат, вилоят, туман раҳбарларига миннатдорчилик билдирди. Кейинги икки йил мобайнида Янгибозор қўрғонида кексалар алоҳида эътиборга эга эканлиги, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилганини таъкидлаб, «Биз ҳам қудратимиз етганча ёш авлод тарбиясида, шанбаликлар ташкил этишда ёрдамимизни аямаймиз», дея сўзини тугатди.

— Жуда қатъиятли, тиним билмас фаолларимиздан, «Турмуш шарт шароитлари бўйича комиссия» аъзоси, — дея таништирди бизга аяни туман фахрийлар кенгашининг раиси Жиянбек Ақлбеков. — Ёлгиз қариялар, юролмай қолган кексалардан ҳар куни хабар олиб туради. Водопроводи бузилиб қолганлар борми, кўмир олишда қийинчиликка дуч келган ёки дўкондан нон олиб келиш учун боролмаётганлар борми, ҳаммаҳаммаси аяга мурожаат қилишади. Ҳали шу пайтгача бирон-тасининг иши битмай қолмаган...

Аянинг фаолияти билан қизиқиб қолдик. Тайин қилган кунимиз яна учрашдик.

Хонадонга кирганимизда ая икки бўйрача келадиган ердаги кўкатларни суғораётган экан. «Дарахтларни чилпиш, томорқадаги ишларни ўзим қилиб кетавераман, ёшликдан шунга ўрганганман» — деди бизни айвонга таклиф қилар экан. Суҳбат қизиб кетди.

... Р. Камолова умрининг ярим асрини ёш авлодга билим беришга бағишлади. Оддий муаллима, услубчи, мактаб раҳбари, Юқоричирчиқ туман халқ таълими услуб кабинетининг мудири, яна мактаб раҳбари...

• Қишлоқ аёллари

— Урушдан кейинги йиллар эди,— дейди Раҳима ая, — саккиз чақирим йўл босиб мактабга борардим. Қишда ва баҳорда лой тиззагача чиққан пайтлари кўп бўлган. Кейинчалик туман раҳбарлари от беришди. Анча енгиллик туғилди.

Ая урушдан кейинги турмуш қийинчиликларини бошқалар қатори баҳам кўрган инсон. Нон танқислиги унинг хонадонида ҳам қаттиқ сезиларди. Бир кафт туршак, бир кафт майиз ё бўлмаса қайнатилган лавлаги ая хонадони кунига яраган.

Юқоричирчиқ туманида ая нотиқ, тарғиботчи сифатида ҳам танилган. ундаги ана шу фазилатлар ҳозир ҳам сезилиб турарди.

Раҳима ая фақат байрамларда, тантаналар чоғида эмас, оддий кунларда ҳам мактаб ўқувчилари ва жамоа хўжаликлари ёшлари орасида тез-тез бўлиб туради. У ҳикоя қиладиган воқеалар эса кўп. Уруш йиллари мактабдан бўш вақтларида пиллакорларга қўшилиб қурт боққани, ғаллазорларда ўроқ билан буғдой ўрганги, пахта далаларида болалар билан бирга пахта тергани, ўзи ишлаган мактабларда тўгарак ишларини йўлга қўйгани, ўқувчиларда мусиқага ҳавас уйготгани ҳақида сўзлайди.

Дафъатан ая ўрнидан туриб кетди ва чоғроққина чамадонни кўтариб чиқди. Уни очди. Мукофотларни кўздан кечирдик. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан берилган 2 та Фахрий ёрлиқ, вилоят, туман, бошқа юқори ташкилотларнинг мақтов қоғозлари, фахрий ёрлиқлар... медаллар ҳам анчагина эди. Барча мукофотлар орасида аяга фронт орти фидокори сифатида мустақил Ўзбекистонимиз Президенти таъсис этган, яқиндагина туман ҳокими Мирзахўжа Қалқулов топширган «Шуҳрат» медали ҳам ярқираб турар эди.

С. ҲАСАНОВ.

• Шу кунларда мактабларда Алифбе байрамлари бўлиб ўтмоқда. Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 276-мактабда ўтказилган байрам ҳам болаларнинг шодуҳуррамлиги, ҳозиржавоблиги, илм олишга чанқоқлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Суратда: байрамдан лавҳалар. **Х. ШОДИЕВ олган суратлар.**

• Миллий кураш

ҒОЛИБЛАРГА – ОЛҚИШЛАР, ҚЎЙ, ҒИЛАМ...

• Тўйчи полвоннинг набираси мусобақа ғолиби
• Совриндорларнинг ярмидан кўпи Тошкент вилоятида
• Меҳмон отангдан улуғ
• Ҳомийлар ҳиммати

ЭРТА тонгдан карнай-сурнайнинг садолари кураш мухлисларини сўлим боғ қўйнига жойлашган марказий ўйингоҳга чорлади. Соат 9 бўлмаёқ узоқ-яқиндан келган кураш шайдолари полвонларнинг кучи, имконияти, гўзал Фарғона водийсидан қайси номдор полвонлар келганини-ю, Пискент, Паркент туманларидан кимлар даврага чиқишини қизиқсиниб суриштира бошладилар. Ҳар ким ҳам ўз севган полвонини гиламга чиқишини истарди.

Мусобақа ташкилотчилари миллий кураш бўйича /фарғонача усул/ Ўзбекистон биринчилигига пухта тараддуд кўрдилар. Мусобақа ҳомийси Пискент туман ҳокимлиги ҳамда маҳаллий хўжалик, корхона ва бирлашмалар яхши, ҳайрли ишлар қилди. Меҳмон отангдан улуғ деганларидек, «Пискент» жамоа хўжалиги раиси Раҳматхон Соипов фарғоналик полвонлар пойига қўй сўйиб меҳмон қилди. Туман сув хўжалиги бошкармаси ва бошқа жамоалар ҳам ҳиммат кўрсатдилар.

Мусобақа иштирокчилари Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Пискент шаҳри жамоалари майдонга саф тортдилар. Полвонларни республика миллий кураш федерацияси раиси М. Ҳайдаров, туман ҳокими А. Шерматов ва бошқалар қўш байрам — жисмоний тарбиячилар куни ва миллий кураш биринчилигининг очилиши билан қутлаб, уларга муваффақиятлар тиладилар.

Байрамни мухлисларга яхши таниш бўлган, бир неча бор ўз вазнларида чемпионлик шохсупасига кўтарилган фахрий полвонлар паркентлик Раҳим полвон Ҳайдаров ва пискентлик Абдулла полвон Эргашевлар бошлаб беришди. Бу икки полвон ҳали белда қувват борлигини исботлашди.

— Уч кам етмишга бордим, — дейди Абдулла полвон Эргашев, — уттиз йил кураш тушдим. Тўрт марта Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Мана бугун шахримизда полвонларнинг беллашуви бўлаётганини эшитиб, ёшлигим эсимга тушиб кетди. Гиламга чиқдим.

Мусобақаларни энг енгил вазнли полвонлар бошлаб бердилар. Томошабинлар ҳамшаҳарлари Абдурасул Саидбоевни дастлабки ғалаба билан қутладилар. Улар айниқса, Тўйчи полвоннинг набираси Карим полвоннинг чиройли ғалабасидан ниҳоятда мамнун бўлдилар. 100 килограммгача вазнлилар баҳсида у рақиби устидан соф ғалабага эришди. Финалда эса фарғоналик донғи кетган Фахриддин полвон Болтабоевни енгиб, чемпион бўлди. Бувасидай чапдаст, абжир Карим полвоннинг ҳар бир бел олишувини мухлислар завқ-шавқ билан томоша қилиб, уни чемпионлик унвони билан дилдан қутладилар.

Мутлақ оғир вазнда кейинги йилларда фарғоналик Аҳмадполвон Турақуловга тенг рақиб топилмаяпти. У бу сафар ҳам рақиблари билан бўлган барча олишувларда барвақт ғалабага эришиб, чемпионлик унвонини сақлаб қолди. У финалда пискентлик Бахтиёр Шерматовни енгди.

Саккиз вазнда Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганларнинг тенг ярим Тошкент вилояти вакилларидир. Булар Абдурасул Саидбоев /55 килограмм/, Карамали Дўсматов /60 килограмм/, Олимбек Файзуллаев /90 килограмм/ ва Карим Тўйчиев /100 килограмм/. Шунингдек паркентлик Бахром Абдурахмонов, Комил Тўраев, Жамол Тўраев, Раззоқ Юсупбоев ва пискентлик Бахтиёр Шерматовлар иккинчи ўринни олиб, кумуш совриндор бўлдилар.

Полвонларнинг республика биринчилиги тугагач ғолиблар томошабинларнинг олкишларига, ҳомийларнинг мукофотлари, қўй, гилам ва бошқа совғаларга сазовор бўлдилар. Шу куни томошабинлар ҳам четда қолгани йўқ. Белида кучи бор ҳар бир кураш шайдоси даврага чиқди. Уларга ҳам қўй ва совғалар топширилди. Хуллас, ўтган шанба ва якшанба куни Пискентдаги марказий ўйингоҳга келган миллий кураш мухлисларининг биринчилиги ва шу спорт шайдоларининг сайли қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

• Баҳсга таклиф этамиз

ҚАЙНОНАДАН БЎЛАК ТУРГАН ЯХШИМИ?

МАШҲУР татар шоири Ходи Тоқтош «Муҳаббат у ўзи эски бир нарса, аммо ҳар бир юрак уни янгилайди» деган эди. Ҳозир газетхонлар эътиборига ҳавола этилаётган қайнона-келин муносабатлари тўғрисидаги мавзу ҳам янгилик эмас. Бу ҳақда илгарилари ҳам кўп ёзилган. Айни пайтда у эскирмайдиган масаладир. Чунки у инсон дунёқараши, маънавиятининг қай даражадалигига қараб турли даврларда ўзига хос маъно касб этаверади.

Сафарда кимлар учрамайди дейсиз... Автобус ўриндиғида ёнма-ён ўтирган икки аёл анча вақтгача бир-бири билан баҳслашиб борардилар. Бири келинининг бўлак бўлиб чиқиб кетганлигидан нолиб гапирса, иккинчиси «Тўғри қилипти, ўзи ҳам мустақил ҳаётга ўргансин» қабилида тушунтиришга интиларди. Сўнгги манзилга етгунга қадар улар бир хулосага келолмадилар. Шунда бу «муаммо» ҳақида келинлар қандай фикрда эканликларини билиш истаги туғилди. Шу боис ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олиб, уч нафар келинга «Қайнонадан бўлак турган яхшими?» деган савол билан мурожаат этдик. Хулосалар эса муштарийларнинг ўзларига ҳавола.

БЎЛАК ТУРГАН МАЪҚУЛ

Ҳурматой Иноғомова, 36 ёшда,
Тошкент вилоятининг Қибрай туманида истиқомат қилади:

— БУ ЎЗИГА хос баҳсли савол. Лекин мен турмуш тажрибамдан келиб чиқиб, алоҳида турган келинлар тарафдориман. Сабаби — аёл киши уй бекаси. У мустақилликка ўрганиши керак. Турмуш йўлларида баланд-пастликлар кўп. Шу сўқмоқларни ўташда чиниқсин, ҳаёт мактабини ўтасин. қолаверса, эр билан хотиннинг тотув яшаши учун ҳам бундай алоҳидалик халақит бермайди. Баъзан келин ҳам, унинг умр йўлдоши ҳам ишлайдиган бўлишса, уйда қайнона билан нохушлик келиб чиқиш ҳолатлари рўй бериши мумкин. Мен бир келинни биламан. Исми Сурайё. Келин бўлиб тушганига уч ой ўтар-ўтмас эри — Фозилжонга: «Онангиздан алоҳида турсангиз, сиз билан бирга яшайман, бўлмаса, билганингизни қилинг», дея шарт қўйди. Сабаби қайнонаси билан келишолмай қолган экан. Унинг айтишича, «Ишдан кеч келасиз, ҳамма юмушлар яна ўзимга қолиб кетди, умид билан келин олган эдим», деб қайнонаси бир-икки танбеҳ берган эмиш.

Қайнонанинг гапини тингласангиз, келини ҳақида оғзидан бол томиб гапиради. «Барака топгур, ишдан келди дегунча, уй кийимини киядию юмушларга киришиб кетади», «Чарчаб келгансиз, бир пас дам олинг, иш бўлса, кейин қиларсиз, деганимга қарамайди», дея меҳр билан сўзлайди. Кейин билсам, Инобат хола келинини маҳаллага ёмон кўрсатгиси келмас экан. Сурайёга қайнонанг сен ҳақингда яхши фикрда экан, дедим. Очир у дилидагини тўкиб солди: «Дугонажон, алоҳида турсам ўз бийлигим ўзимда бўлади,— деди.— Кино, театр деган нарсани унутиб қўйяпман, тез-тез ота-онамникига бориб турардим. Ҳозир эса қопқонга тушиб қолгандекман. Алоҳида турганим маъқул».

Ота-она қулоғига бу гап етиб боргач, ўглининг эзилаётганини кўриб: «Болам, икковинг тотув турсанг бўлди, биз бир кунимизни кўрармиз, уканг ҳам армиядан келиб қолар», дея келинга, фарзандларига йўл беришди...

Йигит бўлса, «Мен эл-юрт олдида ота-онамни ёлғиз ташлаб бош кўтариб юролмайман», деб умр йўлдошининг шартига кўнмади. Ҳозир келин ота-онасиникида. Аслида Фозил Сурайёга муҳаббат қўйиб қўйилган. Ҳамон шу туйғу билан яшайди. Мана, энди аҳду паймон қилган икки ёш икки томонда.

Ота-она ўглини ўйлаб диққат бўлади. Ўғил ота-онани, турмуш ўртоғини ўйлаб азоб чекади. Келиннинг ота-онаси ҳам содир бўлган аҳволдан изтиробда бўлиб, дилхиралик билан кун кечиришмоқда.

Шуларни ўйлар эканман, ёшларнинг турмуши бузилиб кетмаслиги учун уларнинг алоҳида туришига эътирозим йўқ. Ўзимга келганда бўлак бўлиб чиқиб кетганимга кўп йиллар бўлди. Қайнонам-қайнотамникига бориб турамиз. Улар ҳам холиминдан хабардор бўлиб туришади.

УМР БЎЙИ БИРГА ТУРСАМ ДЕЙМАН

Ҳикоят Абдуллаева, 24 ёшда,
Тошкент шаҳри:

— ИМКОНИ бўлса умр бўйи қайнонам; яъни Раҳима ойимлар билан бирга турардим. Қарилик уй — парилик уй дейишади. Қайнонамни хонадонимизнинг файзи, кўрки, фариштаси дегим келади. Мен уларни худди ўз онамдек севаман. Рўзгоримиздаги тартиб, саранжом-саришталик, қут-барака улар туфайли. Мабодо, ойим у ёқ бу ёққа меҳмонга кетгудек бўлиб қолсалар, ўринлари ҳувиллаб қолади. Оилада худди ишларимиз қовушмаётгандек туюлади. Қайнонамга бўлган ҳурматим — турмуш ўртоғимга бўлган ҳурматим деб биламан. Шу боис оиламиз тотув. Болаларнинг адаси менга ҳам меҳрибонлар. Жажжи фарзандларим қайнонамни жон-дилдан яхши кўришади. Хизматдан қайтганимда уларнинг бувилари атрофида ўрмалашиб юрганларини кўриб, қувонич кетаман, кўзларимга ёш келади.

Қайнонам ҳеч қачон бирон нарсани пичинг билан, жаҳл ёки кесатиқ билан ўргатганларини билмайман. Ҳамиша, «болажоним» дейдилар. Келин бўлиб тушганимда, тўғрисини айтишим керак, рўзғор ишларини, пазандаликни мукаммал билмасдим. Ойижоним ётиги билан ҳаммасини ўргатдилар. Энди катта гапирмайин-у, ош-овқатни, уй юмушларини яхши ўзлаштириб олдим.

Ўз уйимизда онам доимо: «Қизим, халқда «Қайноналик келин қаҳқаҳа келин, қайнонасиз келин маскара келин», деган гап бор. Доимо қайнонангни измида бўл. Шунда маҳалла-кўйда ҳам иззат-икром топасан, — деб ўргатганлар. Шу гапларни дилимга муҳрлаб олганман. Фарзандларимизни ҳам бувижонларини астойдил ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаяпмиз. Биз хонадонда 5 келинмиз. Ойижонимиз ҳаммамизга баравар муносабатда бўладилар. Шундан бўлса керак, биз овсинлар ҳам аҳилмиз. Қайнонамиздан бир қадам ҳам нарига кетмасак, деймиз.

ОИЛАДАГИ ШАРОИТГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Ёқутхон Боймуродова, 35 ёшда,
Бекобод шаҳри:

— ҚИЗИҚ савол ўйлаб топибсиз. Унга бир хил жавоб олишингиз қийин. Аслида қайнона билан бирга турганга не етсин. Лекин, турмушда ҳар хил ҳолатлар бўлади. Мен ўз ҳаётимдан айта қолай. Хонадоннинг бош келиниман. Тушганимдан кейин уч овсинлик бўлдим. Айни пайтда икки уйланмаган қайнимиз, турмушга чиқмаган бир қайнсинглимиз ҳам бор эдилар. Тўрттала овсин қайнонамиз, қайнотамиз билан ҳамиша самимий муносабатда бўлиб яшаб келдик. Турмуш ўртоғим, қайниларим ҳам ота-онанинг яхши тарбиясини олганликлари учун умр йўлдошларига бирон марта қўполлик қилганликларини билмайман. Келинойи сифатида мени ҳам иззат-икромда тутишгани учун бошим осмонга етади. Ҳозир ҳам ана шундай бир-биримизга ҳурматни сақлаб қолганмиз. Қайнонамларни-ку, бошимизга кўтаргудек бўламиз. Улар ҳозир ҳаётлар.

Энди бирга туриш масаласига келсак. Қолган қайниларим уйланганларидан кейин уй торлик қилиб қолди. Шу туфайли Анвар акамлар оиланинг каттаси бўлганликлари учун қайнонам, қайнотамнинг розиликлари билан оқ фотиҳа олиб, «уй бўлак» қилдилар. Улар деярли ҳар куни ишга кетаётганларида уйимиз унчалик узоқ бўлмаганлиги учун қайнонам-қайнотамлардан. дуо олиб йўлга тушадилар. Менинг ишим эртароқ бошлангани сабабли ҳар икки-уч кунда кириб тураман. Ўғил-қизларим эса бувиларини кўрмасалар, туролмайдилар ҳисоб. Улар ўқишга, ишга кетаётганларида ёки қайтаётганларида, албатта, бувилари ва боболаридан хабар оладилар.

Демоқчиманки, қайнонадан бўлак туриш ҳолати, кўпинча, келинга боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Лекин, ҳамма гап қай тарзда, қандай кайфиятда бўлак бўлиб, чиқиб кетишида қолган.

Шундай қилиб берган саволимизга уч келиндан уч хил жавоб олдик. Улар фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин, батафсил баён этишди. Лекин, бугунги ҳаётимизда қайнона-келин ўртасидаги арзирарзимас сабаблар билан турмуши бузилиб кетаётган ёшлар қўплиги ачинарлидир. Буларнинг туб сабабларини ўрганиш жараёнида аксарият ҳолларда келинларнинг қайнонадан бўлак туриш истаклари кучли эканлиги бизни ҳайратга солди. Кексалар билан суҳбатлашсак, улар илгари бир ҳовлида, ҳатто, 5 — 6 овсин қайнона билан аҳил яшагани, қирқ, қирқдан зиёд одам бир қозондан овқат ичгани ҳақида ҳавас билан гапиришади. Албатта, ҳозир бундай яшашга баланд қаватли уйларда имкон йўқлигини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда данғиллама, кўп хонали участкаларда истиқомат қилаётганлар орасида ҳам бу ҳолат авж олиб бораётгани афсусланарлидир. Демак, бу ўринда қайнона-келин муносабатларининг равон бўлиши учун ҳалақит берадиган қандайдир яна ўзгача сабаблар борга ўхшайди. Бу ҳақда бошқа келинлар нима дейишар экан, қайноналар-чи?! Мактубларингизни кутамиз.

Ш. ОБИДОВА.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

• Футбол

«ПОЛИТОТДЕЛ» ЮТҚАЗДИ, «ЧИРЧИҚ» ЮТДИ

Республика футбол биринчилиги олий табақасининг навбатдаги турида вилоятимизнинг икки вакили — «Политотдел» ва «Чирчиқ» жамоалари ўзаро учрашдилар. Мазкур турга ҳар иккала жамоа ҳисобида бор-йўғи иккитадан очко бўлиб, улар турнир жадвалининг сўнгги поғоналарида боришаётган эди. Ўйиннинг иккинчи минутидаёқ чирчиқлик А. Раҳимов ҳисобни очди. 34-минутга келиб мезбонлар /О. Шацких/ ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Лекин танаффусга жамоалар 2:1 ҳисобида чиқиб кетишди. 40-минутда В. Моченов «Чирчиқ»ни олдинга олиб чиқди. 60-дақиқада А. Микляев яна вазиятни тенглаштирса-да, бу кескин ўтган учрашув меҳмонларнинг фойдасига 3:2 ҳисобида тугади. 63-минутда А. Тальков сўнгги тўпни киритиб «Чирчиқ» жамоасига ғалаба келтирди.

Бешинчи турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» — «Динамо» — 2:0, МҲСК — «Нурафшон» — 4:0, «Темирйўлчи» — «Нефтчи» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 3:0, «Пахтакор» — «Атласчи» — 4:0, «Трактор» — «Янгиер» — 1:0, АСК — «Наврўз» — 2:2.

«ҒАЗАЛКЕНТ» ЯНАДА ИЛГАРИЛАБ КЕТДИ

БЎСТОНЛИҚ туманининг «Ғазалкент» футбол жамоаси навбатдаги учрашувни сафарда «Шаҳрихон» командаси билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғолиб келди ва пешқадамлик мавқеини янада мустаҳкамларб олди. Майдон эгалари дарвозасига иккала тўпни Д. Гришанов 8-ва 17-минутларда киритди. Қибрайнинг «Маданият» футболчилари эса Янгийўлнинг «Мебелчи» жамоаси билан I:I ҳисобида дуранг ўйнади. Чирчиқнинг «Кимёгар» командаси «Чилонзор»дан 0:2 ҳисобида енгилди. Бекободнинг «Металлург» футболчилари эса «Прогресс» клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

• Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази хабар қилади

ЭГРИ КЎЧАНИНГ БОШИ БЕРК

ФИРИБГАР дегани алдамчилик, товламачилик, ҳийлагарлик, кўзбўямачиликда, хатто, шайтонга ҳам дарс бераркан. Маҳмуджон ҳам шу кўчага кирди-ю, кўзлаган мақсади одамларни чув тушириб, улардан бирор нарса ундириш бўлиб қолди. У ўз «ҳунари» оқибатида қамоққа тушиб, умрининг беш йили ҳайф кетган бўлса ҳам, тавба қилмади. Аксинча, товламачиликнинг янги-янги усулларини ўйлаб топди.

1994 йилнинг декабрь ойи охирлаб қолганди, ўшанда. Маҳмуджон Черняевка қишлоғига қатнайдиган автобус ҳайдовчиси Тўрабой деган йигит билан учрашиб қолди. Ширин-ширин гапириб, бирпасда ҳамсуҳбатининг «ичига» кириб кетди. Оиласи, фарзандлари ҳақида суриштирди. Хуллас, беш дақиқалик суҳбатда навбатдаги фириб учун керак бўладиган барча маълумотларни билиб олди.

Орадан бироз вақт ўтказиб, Тўрабойнинг уйда йўқ пайтини топди-да, унинг уйига келди. Эшикни уй бекаси очди.

— Келинг, хизмат?

— Тўрабой акамлар мебель масаласида ёрдам беришимни сўраган эдилар. Шу бугун Олмаликдан телефон қилиб, олиб кетишимни айтишди. Акс ҳолда сотиб юборишармиш. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мебель ҳозир тақчил нарса. Вақтида бормасам, яна қачон дўконга келиши номаълум...

Хуллас, уй бекасини гапига ишонтирди. Аёл эса қариндошу-уруғларидан 4200 сўм қарз-қавола қилиб, Маҳмуджоннинг қўлига тутқазди. Аммо «мебель бугунок уйингизда бўлади», деб пулни чўнтагига солиб кетган товламачидан эртасига ҳам, индинига ҳам, бир ҳафта-ўн кундан кейин ҳам дарак бўлмади...

Эгри кўчанинг боши берк, деганларидай Маҳмуджон И. кўп ўтмай қўлга тушди, фирибгарликда айбланиб, миси очилиб қолди.

ТЕЗДА ФОШ ЭТИЛДИ

ФЕВРАЛЬ ойининг бошлари эди. Кечки пайт Бекобод шаҳар II-даҳасидаги 19-уйдан ички ишлар бўлимига кўнгироқ қилиб, шу уй олдида икки ўсмирни уриб-сўкиб, ечинтириб кетишгани тўғрисида хабар беришди. Бўлимнинг тезкор вакиллари иштирокида тузилган етти кишилик тергов гуруҳи дарҳол ишга киришиб кетди. Жабрланган ўсмирлар билан суҳбат чоғида талончилар уларнинг эгнидаги жами 4800 сўмлик кийим-бошларини олиб кетишгани, жиноятчиларнинг қиёфаси, юз тузилиши, юриш-туриши ҳақидаги маълумотлар аниқланди. Ана шундан кейин қидирув ишлари янада кучайди ва орадан кўп ўтмай кўзлари «олма кесак териб бораётган» икки ўсмир — Ҳ. Р. ва Д. А.лар ушланди. Жабрланганлар билан юзлаштирганларида талончилар ана шуларнинг ўзлари эканлиги маълум бўлди.

Февраль ойида Бекобод шаҳрида яна бир жиноят содир бўлди. Ички ишлар бўлимига «Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехи тиббий ёрдам қисмида эшикни бузиб, 7 минг сўмлик дори-дармонларни ўғирлаб кетишганини хабар қилишди. Ўғри Х. Ж. исмли шахс эканлиги маълум бўлди.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, ички ишлар бўлимининг тезкор-тергов гуруҳлари ҳар иккала жиноятни ҳам илиқ-иссиғида фош қилишга муваффақ бўлдилар. Шу сабабли ушбу гуруҳларнинг барча аъзолари рағбатлантирилдилар.

ДАЙДИЛАРГА ИШОНМАНГ

ХАЛҚИМИЗНИНГ бағри кенглиги меҳр-оқибати оҳанрабодай тортиб турганини сабабли узоқ-яқин ўлкалардан қадам ранжида қилаётган меҳмонларнинг сони ҳам тобора кўпайиб боряпти. Бироқ, афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, холис ниятлар билан келаётган меҳмонлар-қаторида яшаш ва иш жойининг тайини йўқ дайдилар ҳам кўп бўляпти. Зангиота тумани ички ишлар бўлими ходимлари ўтган йилнинг ўзида 259 та, шу йилнинг ўтган даврида эса 23 та ана шундай дайдиларни ушлаб, республика ҳудудидан чиқариб юбордилар. Шу йўл билан кўпдан-кўп жиноятларнинг олди олинди, албатта.

Лекин, шунга қармай, баъзан дайдилар иштирокида шундай жиноятлар ҳам содир бўляптики, бу ишларнинг келиб чиқиш сабабли ўрганилгудек бўлса, буларнинг ҳаммаси айрим кишиларнинг лоқайдлиги, ўз манфаатини устун қўйиши, милицияни чалғитиб, кўзбўямачилик билан шуғулланаётганлиги натижаси эканлиги равшан бўлади.

Тошкент шаҳри атрофидаги қишлоқларнинг аҳолиси кўпинча иссиқхоналарда, гулхоналарда, экинзорларда ва уйжой қурилишларида дайдилар меҳнатидан фойдаланаётганликлари сир эмас. Негаки, яшаш ва иш жойининг тайини бўлмаган бундай дайдилар ичкилик, овқат ва тунаш учун жой бўлса, ҳар қандай ишни бажаришга розилик бераверадилар. Баъзи кишилар эса арзон ва қулай ишчи кучларидан фойдаланишга шунчалик ружу қўйганларки, ҳатто, дайдиларнинг кимлигини, қаердан келганлигини, бирон ҳужжати борми ё йўқлигини суриштирмай, уйларидан бошпана бериб, ишларини битириб олишни кўзлайдилар. Пировардида эса қишлоқда бўлаётган жиноятларнинг аксарият қисми ана шундай бетайин кимсалар томонидан содир этилмоқда. Ҳатто, иш берувчиларнинг ўзлари улардан жабр кўрмоқда.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Ўтган йили тумандаги иссиқхонлардан бирида шундай даҳшатли воқеа содир бўлдики, бу арзон ишчи кучлари меҳнатидан фойланаётган кишилар учун аччиқ сабоқ бўлиши лозим эди. Иссиқхонада ишлаб юриб, унинг эгаси билан ўчакишиб қолган дайди «хўжайинни» ўлдириб, мурдасини иссиқхона печкасида ёқиб юбораётганида ушланди. Афсуски, бу воқеа ҳам беминнат ишчиларга қизиқувчиларнинг ҳовурини пасайтиргани йўқ.

Шу йилнинг февраль ойида Хонобод қишлоғида рўй берган яна бир жиноят ҳам дайдилар томонидан содир этилди. Янги қурилаётган уйларнинг бирида уч дайди ўзаро жанжаллашиб, бири иккинчисини ўлдирди, учинчисини эса чалажон қилиб, қочиб кетди. Аммо ички ишлар бўлимининг тезкор-тергов гуруҳи бир кундаёқ жиноятчини излаб топиб, унинг барча қилмишларини фош этишга муваффақ бўлди.

Шуниси ажабланарлики, воқеа содир бўлишидан бир икки ҳафта олдин милиция ходимлари ёппасига текшириш ўтказиб, дайдилар яшаётган қурилиш, иссиқхона ва гулхоналарнинг эгаларини огоҳлантирган эдилар. Аммо кейин содир бўлган жиноят арзон ишчи кучларидан фойдаланаётган кишилар милициянинг бу огоҳлантиришларига лоқайдлик билан қараб, тегишли хулоса чиқариб олмаганлигини кўрсатди. Шундай экан, уй-жойи бетайин дайдиларни ишлатаётган кишиларни ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўтариш вақти келмадимикан? Ана шундай тарзда қаттиққўллик билан жиддий кураш олиб борилмаса, қишлоқларда «текин ишчилар» қилаётган жиноятлар давом этаверади.

ЭЪЛОНЛАР

ФИРМАГА
ШОШИЛИНЧ РАВИШДА ДИСКО КЛУБДА ДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН
директор, официантлар, барменлар, ошпазлар, ошхона ходимлари, қоровуллар
КЕРАК
МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАЙ — МУКОФОТЛИ.
Соат 9.00 дан 17.00 гача 22-50-20 рақамли телефон бўйича мурожаат қилинг!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлар вазирлиги ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ ҚЎШИНЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ. ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
13, 14 май соат 18.00 да
«КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ»
ҚАТНАШАДИЛАР:
Сўз устаси, киноактёр
МИРЗАБЕК ҲОЛМЕДОВ
ВА
«МИРЗО» ҚИЗИҚЧИЛАР ТЕАТРИ
Тошкент вилояти ёшлар иттифоқининг совриндори, хушовоз хонанда
ИСМОИЛЖОН ҒУЛОМОВ
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.
Маълумот учун телефонлар: 45-07-65, 45-92-51.

УЗАЙТИРГИЧ ТРОЙНИКЛАР
(камида 1000 донадан),
ВИБРОЭЛЕКТРОНАСОСЛАРНИ
(камида 50 донадан)
СОТАМИЗ
Телефонлар: 33-52-38, 32-56-38.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Меҳрибонлик» жамияти, барча ёру-дўстлар шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти раиси Ҳабибулло Жалиловга волидаи муҳтарамаси **Муҳаррам ЖАЛИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Онахоннинг охиратлари обод бўлсин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 1 2 3 4 5 6